

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

КУКОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

5140500 – ГЕОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ
АСОСЛАРИ ТАЪЛИМ ЙУНАЛИШИ УЧУН

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИДАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Кукон - 2006 й.

МАЪРУЗА - 32 СОАТ

АМАЛИЙ
МАШГУЛОТ – 20 СОАТ
МУСТАКИЛ
БИЛИМ ОЛИШ- 15 СОАТ

ТУЗУВЧИ : уkitувчи Р.Мамажoнoвa

Маърузалар матни КуконДПИ география кафедрасининг
2006 йил 27 мартдаги йигилишида муҳокама килиниб,
маъкулланган (баённома № 7)

ТАКРИЗЧИЛАР :

М.Муйдинов	КуконДПИ, география кафедраси мудири
О.Кузибоева	КуконДПИ, география кафедраси уkitувчиси

1 - Маъруза.

МАВЗУ : МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИКТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИНИНГ МАКСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ФАН СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА АХАМИЯТИ

Р Е Ж А.

1. Дунё сиёсий харитасида 1991 йилги узгаришлар ва Марказий Осиё давлатлари атамасининг пайдо булиши.
2. Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси фанининг максоди, вазифалари ва фан сифатида шаклланиши.
3. Марказий Осиё иктисодий интеграциясининг вужудга келиши.

XX асрнинг сунгги 10 йиллиги жахон тарихига сиёсий географик тузилишида туб узгаришлар даври булиб кирди.

Маълумки, 1990-1991 йилларда дунё сиёсий харитасида жуда катта узгаришлар руй берди: ГДР ва ГФР бирлашиб, ягона Германия давлати вужудга келди; Чехославакия урнида мустакил Чехия ва Словакия давлатлари пайдо булди; Югославия Социалистик Федератив Республикаси 5 та мустакил давлатга булиниб кетди; қачонлардир дунёни ларзага солган Совет Иттифоқи парчаланиб, унинг урнида 15 та мустакил давлат таркиб топди. У ташкил қилган ҳудудда янги мустакил мамлакатлар, жумладан Марказий Осиё мамлакатларининг пайдо булиши бу улкада узига хос сиёсий, иктисодий географик ва демографик маконни вужудга келтирди. Бу минтақа халқларининг тили, тарихи ва динининг бирлиги, урф-одатлари, географик урни, бозор иктисодиётига утишдаги ва келажакдаги муаммоларининг муштараклиги Марказий Осиё давлатларининг ягона иктисодий интеграцияга бирлашганлигининг асосий сабабларидандир.

Республикамиз мустакилликка эришган ҳозирги даврда уз мамлакатимиз географиясини чуқур ва мукаммал билиш билан бирга, бизга бевосита қушни, ёндош булган мамлакатлар географиясини ҳам урганиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, мактабларда география курсларида «СССР иктисодий географияси» курслари олиб ташланиб, «Ўзбекистон географияси» курслари, «Марказий Осиё географияси» курслари укув жараёнига татбиқ этилмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Олий укув юртларида ҳам бу курс чуқур ургатила бошланди.

Иктисодий география ишлаб чиқаришни ишлаб чиқарувчи қушлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари билан бирга бир бутун ҳисоблаб, турли мамлакатлар ва районларда ишлаб чиқаришнинг жойлашиши шароити ҳамда хусусиятларини урганадиган фандир. Иктисодий география саноат, қишлоқ ҳужалиги ва транспортнинг жойлашишинигина эмас, балки тақрор ишлаб чиқаришнинг бутун жараёни жойлашишини ҳам урганади. Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси курсида юқоридагилар Марказий Осиё давлатларига татбиқ этилади. Иктисодий географияда аҳоли ҳам моддий нѐматлар ишлаб чиқарувчи, ҳам моддий нѐматлар истеъмолчиси

сифатида каралади. Иктисодий географияда ишлаб чиқаришни жойлашишини, иктисодий районлар таркиб топишини, турли ижтимоий-иктисодий формациялар шароитида айрим мамлакатлар ва районларни тараққиёт хусусиятларини очиқ бериш муҳимдир.

Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси фани биринчи навбатда табиий география фанлари билан, айниқса, Туркистон табиий географияси фани билан ҳамма вақт боғлиқдир. Шуни билан, иктисодий назария, тарих, этнография, демография каби ижтимоий фанлар билан алоқадор.

Марказий Осиё давлатларини бир бутун ҳудудий бирлиқни ташкил этиши билан биргаликда бошқа бир қатор хусусиятлари ҳам бирлаштириб туради. Уларни қуйида санаб ўтиш мумкин:

1. Географик урнига қараб, Марказий Осиё минтақаси Евроосиё материгининг ичкарисида, кескин континентал иқлим минтақасида жойлашган. Минтақанинг катта қисми текисликлардан иборат бўлиб, баланд тоғлиқлар асосан жануби-шарқда. Минтақа ҳудуди жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон пасайиб боради. Ғарбда Каспийбуйи пастекислиги, Турон пастекислиги, Турғай чуқмаси, Қорақум ва Қизилқум чуллари, Қозоғистон бурмали тоғлари ва бошқалар минтақа ҳудудини бир бутунлигини таъминлайди. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, МДХ давлатларидаги энг баланд чуққи (7495м) ҳам, энг чуқур чуқма (Қорағиё ботиғи –132м) ҳам Марказий Осиё минтақасида жойлашган.
2. Марказий Осиё давлатлари ҳудудлари Россия таркибига солиқ СССРнинг бошқа республикалари (масалан, Эстония, Латвия, Литва, Украина ва бошқалар) га қараганда бирмунча кеч қўшилган. Масалан, Қозоғистон ерлари ХУ111 асрнинг охирида, баъзи ерлар (масалан, Бухоро) ҳатто инқилобдан кейин Россия таркибига қўйилган. Бу эса ўз навбатида аҳолининг миллий урф-одатлари, анъаналари, тили ва динини сақлаб қолишига катта таъсир қўйган.
3. Марказий Осиё давлатларида аҳоли жуда нотеқис тақсимланган. Аҳолининг бундай жойлашишига биринчи навбатда жойнинг ер усти тузилиши, табиий шароити ва бошқа омиллар таъсир қўйган. Минтақада аҳоли асосан сув манбаларига яқин жойларда, водийларда айниқса зич. Марказий Осиё давлатларида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар км. Қв. Майдонга 13 кишидан тўғри келади. Бу қўйилган Марказий Осиёнинг турли давлатларида турлича: масалан, Ўзбекистонда 53 киши, Тожикистонда 41 киши, Қирғизистонда 23 киши, Туркменистонда 9,4 киши, Қозоғистонда 6 кишидан тўғри келади.
4. Марказий Осиёда аҳолининг табиий ўсиши юқори, Масалан, 1913 йили умуми аҳоли 12,8 млн. Киши бўлиб, Россия аҳолисининг 8%ини , 1970 йили 32,8 млн. Киши бўлиб, 13,5% ини , 1995 йили 54,3 млн. Киши бўлиб, МДХ аҳолисининг 17%ини ташкил қилди. 1995 йил маълумотига қараб, Қозоғистонда табиий ўсиш 10 кишини, Қирғизистонда 18 кишини, Ўзбекистон ва Тожикистонда 24 кишидан, Туркменистонда 25 кишини ташкил қилган.

5. Марказий Осиё давлатлари дунё бозорига биринчи навбатда кишлок хужалиги маҳсулотлари : пахта толаси, қоракул териси, урмон мевалари(ёнгок, писта,бодом...), қурук ва ҳул мевалар, мева консервалари ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилади.
6. Марказий Осиё давлатларининг аксариятида (Туркменистон, Қозғистон ва Ўзбекистонда), қучук сув етишмаслиги муаммоси муҳим муаммолардан биридир. Айниқса, Туркменистоннинг марказий ва ғарбий қисмларида ҳеч қандай очик қучук сув манбаи йуқлигидан бу ерларда кишлок хужалиги тармоқларини (қорвачилик) ривожлантириш учун тусқинлик қилади.Ўзбекистоннинг Қизилқум қулларида, Қозғистоннинг ғарбий қисмидаги дашт ва марказий қисмидаги қулларда ҳам қучук сув етишмаслиги ҳозирги қундаги энг долзарб муаммолардан бири булиб қелмоқда.
7. Орол денгизининг қуриб бориши - экологик муаммо ҳам Марказий Осиё, шунингдек, бутун инсоният олдида турган энг муҳим муаммолардан биридир.

ТАЯНЧ ИБО РАЛ АР .

Дунё сиёсий харитаси, Марказий Осиё региони,бир бутун ҳудудий бирлик, географик урин, МОД,қучук сув етишмаслиги муаммоси,

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .

1. 1991 йили дунё сиёсий харитасида қандай узғаришлар руй берди?
2. "Марказий Осиё реиони" атамаси қачондан бошлаб оритила бошланди ?
3. Марказий Осиё регионига қайси давлатлар қиради?
4. Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси қурсининг мақсади нима?
5. Марказий Осиё давлатларини бир - бирига бирлаштирувчи асо-сии ҳусусиятлари найсилар ?

АДАБИЁТЛАР .

1. Мақсақове қий В.П. Географическая қарта мира . Ярославль 1993 г.
2. Рақовский С.Н. Современная политическая қарта мира : структура и новейшие сдвиги. География в школе. 1992г.
3. Ўзбекистон энциклопедияси 1980й. 13 - 14 томлар.

2 - МАВЗУ : МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕГИОНИНИНГ ГЕОГРАФИК УРНИ, ТАБИЙ ШАРОИТИ ВА РЕСУРСЛАРИ .

Р Е Ж А.

1. Географик урни ва чегаралари.
2. Ер усти тузилиши.
3. Фойдали казилмалари.
4. Иклими.
5. Дарё ва куллари.
6. Табиат зоналари.

XX асрнинг сунгги (йиллари) 10 йиллиги жахон тарихига сиёсий географик тузилишида туб узгаришлар даври булиб кирди, Социалистик лагернинг емирилиши ва у ташкил килган худудда янги мустакил мамлакатларни, жумладан Марказий Осиё мамлакатларининг пайдо булиши бу улкада узига хос сиёсий, иктисодий географик ва демографик маконни вужудга келтирди. Бу регион халкларининг тили, тарихи ва динининг бирлиги, урф-одатлари, географик урни бозор иктисодиётига утишдаги ва келажакдаги муаммоларнинг муштараклиги Марказий Осиё давлатларининг ягона иктисодий интеграцияга бирлашганлигининг асосий сабабларидандир,

Марказий Осиё регионининг майдони 3994 минг км² булиб, шимолий чекка нуктаси 55°26 мин. ш.к.да, гарбий чекка нуктаси 46°27 минут шаркий узокликда, шаркий чекка нуктаси 87°18 минут шаркий узокликда жойлашган, Бу чекка нукталар Козогистон Республикасининг худудларига тугри келади. Регионнинг энг чекка жанубий нуктаси эса Туркманистон жанубида булиб, 35°08 минут шимолий кенгликдадир.

Марказий Осиё региони шимол ва шимолий-гарбдан Россия Федерацияси билан, жанубдан Эрон ва Афғонистон, шаркдан Хитой давлатлари билан чегарадош. Регион гарбини Каспий денгизи сувлари ювиб туради.

Марказий Осиё худуди гарбдан шаркка томон салкам 3000 км га, шимолдан жанубга томон салкам 2750 км га чузилган.

Регионнинг шимолий ва гарбий текислик ва пастекисликлардан жанубий ва шаркий чегаралар эса баланд тогликлардан (Тяншань, Помир, Олой, Копетдог ...) утади.

Марказий Осиё регионининг табиий шароити узига хос хусусиятга эга. Халк хужалигини жойлаштириш ва ривожлантириш табиий шароити ва табиий ресурслар мухим роль уйнайди.

Марказий Осиёнинг ер усти тузилиши хилма-хил. Худудининг 80% текисликлардан, колган кисми эса тогликлардан иборат. Худуди жанубий-шаркдан шимолий-гарбга томон пасайиб боради. Бепоён даштлар, чалачуллар, кумли ва гилли чул текисликлар минглаб километр масофага чузилган. Текисликларнинг жанубии чеккаларида эса Копетдог ва жуда баланд корли тоғлар Тяншань, Помир, Олой кад кутариб туради.

Марказий Осиё худуди асосий нам берадиган океанларлан узокда, материк ичкарасида, муътадил иклим минтакасининг жанубий кисмида жойлашган. Баланд тог тизмалари Жанубий Осиё муссонларини бу томонларга кириб келишига имкон бермайди. Урта денгиз циклонлари хам бу ерларга камдан - кам кириб келади. Шунинг учун бу ерда иклим кескин континентал, ёзи иссик ва булутсиз, киши салкин, шимол томонда хатто совук булади.

Марказий Осиё кескин контрастлик улка, МДХ даги энг паст жой Мангишлок яриморолидаги Корагиё ботиғи (денгиз сатхидан 132 м пастда) билан энг баланд жой Памирдаги Коммунизм чуққиси (7495м) шу минтакада жойлашган. Баланд тоғлар йил давомида совук ва қор билан қопланиб ётса, чулларда бутун ёз давомида жазирама иссик ҳукмрон булади.

Марказий Осиё геологик тузилиши, тарихий тараккиёти ва ер юзасининг ҳозирги хусусиятига қура, икки қисмга – айрим жойларида қадимги қолдиқ тоғлар учрайдиган текисликлар ва Атлантика океанидан то Тинч океанигача қузилган баланд тоғ минтақаларига қирувчи тоғларга бўлинади.

Гарбий Сибирь текислиги секин-аста баъзи жойларда унча баланд бўлмаган зинапоёлар тарзида Қозогистон қирли текисликларига утиб келади, улар жанубда Тяньшань тоғолдиларигача етиб келади. Худуднинг гарбида тулқинсимон текислик – Турғай платоси бор. Қозогистон қирли текислигининг марказий қисмида жуда емирилиб кетган Қозогистон паст тоғлари (Сариорқа) қад қутарган.

Қозогистон қирли текислигидан гарбга томон деярли Каспий қулигача ва Турғай платосидан жанубга томон то Қопетдоғгача бўлган ораликда Қизилқум ва Қорақум чуллари билан Турон пастекислиги жойлашган. Текислик юзасидан ахён-ахёнда қиска тоғлар ва тудатудат қояли соққалар қад қутариб туради.

Марказий Осиё текисликларининг, хусусан Қозогистон паст тоғларининг геологик тузилиши мураккаб.

Марказий Осиёни жанубдан Қопетдоғ, Помир – Олой, Тяньшань ва бошқа тоғ системалари ураб туради. Бу худудлар турли тоғ пайдо бўлиш даврларида Ернинг ички қучи ҳаракатларига дуч келган. Тяньшаньнинг шимолий занжирлари қаледон тоғ пайдо бўлиш даврида қутарилган. Жанубий тизмаларда асосан бурмаланган,бу герцинда руй берган. Сунгра бу тоғлар бутун мезазой эраси давомида ташқи қучлар таъсирида емирилган ва унча баланд бўлмаган тоғлар билан бирга паст-баланд текисликка айланган. Ҳозирги баланд Тяньшань тоғлари неогеннинг охири ва туртламчи даврдаги тектоник ҳаракатлар (альб тоғ пайдо бўлиши) туфайли ҳосил болган .

Шимолда Фарғона водийси билан жанубда Амударёнинг юқори оқими (Панж дарёси) оралигида Памир-Олой тоғ систнмаси жойлашган .

Илғари Марказий Осиё минтақаси фойдали қазилмаларга бой эмас деб келинган . Аммо совет ҳокимияти йилларида қуплаб қазилма бойликлар қонлари очилди. Марказий Осиё регионини қумир, нефть, табиий газ қабил ёқилғи ресурсларига, қора ва ранғли, нодир металларга, минерал ресурсларга бой.

Козогистон темир конлари билан машхур. Улардан энг йириги Тургай платосидаги Соколов-Сарбай конидир. Козогистон паст тоглари районида рангли металллар – мис, кургошин, рух, боксит, марганец, нодир металллар ва олтин конлари бор. Мис конларидан айникса Жезказган ва Кунгирот конлари машхур. Помир – Олой ва Тяньшанда ҳам турли хил металл конлари топилган. Мис ва полиметалл рудаларини казиб чикариш ва кайта ишлаш саноатининг асосий тармокларидан бири булиб колди. Олтин казиб олиш эса (Марказий Осиёда) дунё ахамиятига эга.

Марказий Осиё минтакаси худудларида ёкилги ресурсларидан тошкумир, кунгир кумир, нефть ва табиий газнинг жуда катта захиралари топилган. Козогистоннинг Караганда ва Ёкибастуз хавзаларида, шунингдек, Киргизистоннинг Жиргалан, Кукёнгок, Тошкумир конларида тошкумир казиб олинади. Ёзбекистоннинг Охангарон, Козогистоннинг Убаган, Макюбен ва бошка конларда кунгир кумир казиб олинади. Гарбий Туркменистон, Мангишлок ва Фаргона водийсида йирик нефть конлари булиб, мамлакатлар иктисодиётида уларнинг ахамияти катта. Табиий газ Марказий Осиёнинг асосий казилма бойликларидан биридир. Айникса, Ёзбекистоннинг Жаркок, Учкир, Газли, Муборак конлари, Туркменистоннинг Ачак, Наип, Гугуртли. Шотлик каби конлари мухим ахамиятга эга булиб, совет хокимияти йилларида кувурлар оркали Урал ва Марказий районларга олиб кетилган.

Туркменистоннинг Кора Бугоз Гол култиги турли хил тузларга бой. Айникса, глаубер тузи (мирабилит) нинг жуда катта захираси бор. Шунингдек, натрий сульфат, йод, бром тузларининг ҳам катта захираси топилган. Туркменистон МДХда ишлаб чикариладиган натрий сульфатнинг 40%ини беради. Натрий сульфат тузи шиша-ойна саноатида катта ахамиятга эга. Марказий Осиё худудида яна минерал ресурслардан ош тузи, калий тузи ва фосфоритга бой. Ош тузи Орол денгизи буйларида, шунингдек, Козогистоннинг шимоли-шаркидаги худудларда, Туркменистоннинг жанубидаги районларда казиб олинади. Фосфорит конлари асосан Козогистоннинг жанубидаги Коратов районида, Актюбинск областидан ҳамда Ёзбекистоннинг Навоий вилояти худудларидан казиб олинади.

Марказий Осиё иклимининг континенталлиги яккол билиниб туради: ёзи иссик ва курук, киши бирмунча совук, ёгингарчилик кам. Шимолда июлнинг уртача харорати +25градус, январнинг уртача харорати –15 градус атрофида. Турон пастекислигининг жанубида эса июлнинг харорати +30 градус, январнинг уртача харорати эса –2 градус.

Чулларда кумлар ёзда жуда кизиб кетади. Гарбдан келувчи денгиз хавоси бу ерларга факат киш ойларида кириб келади. Кишда Козогистон худудларида худди Шаркий Сибирдагидек кучли босим устун булиб туради, очик, совук об-хаво вужудга келади. Шаркий кисмида совук –50 гр.гача боради. Кучли буронлар булиб туради. Текисликларда киш баркарор эмас. Кишда Ёрондан илик хаво ёки Урта денгиздан циклонларнинг кириб келиши об-хавони тез-тез узгариб туришига сабаб булади. Булар хароратни баъзан кутариб юборади ва ёгин ёгади. Тогларда айникса, уларнинг шимолга рупара ёнбагирларида 1500

мм гача ёгин тушади. Тогларда киш совук ва узок давом этади. Шимолий районлардаги текисликларда йилига 300 мм гача, жанубда 200 мм дан камрок ёгин тушади.

Марказий Осиёда ёгин кам булганлигидан дарё турлари ҳам калин эмас. Козогистондаги энг йирик дарёлар – шимолда Иртиш Гарбий Сибирь текислигида Обь дарёсига куйилади. Ишим дарёси ҳам Козогистон худудларидан бошланиб, Иртиш дарёсига куйилади. Урта Осиё дарёларининг бир томчи суви ҳам Дунё океанига етиб бормайди. Уларнинг барчаси берк хавзага қарайди. Хатто қупчилиги тоғлардан бошланиб, хатто Зарафшон каби йириклари ҳам чулларда қуриб қолади. Энг йирик дарёлари Амударё ва Сирдарё эса Орол денгизига куйилади. Улар тоғлардаги доимий қор ва музликлардан туйинади. Сирдарё Қирғизистон худудидаги Тяньшань тоғларидан бошланади. У Фарғона водийсида Норин ва Қорадарёнинг қушилишидан ҳосил бўлади. Амударё эса Орол денгизига қуйилгунга қадар 3 хил ном билан аталади: бошланиш қисмида Вахжир, Вахш дарёси қуйилгунга қадар Панж, сунгра Амударё деб аталади. Текисликда дарёнинг кенглиги 1,5 км, дарёга минг км дан ортиқроқ масофада бирорта ҳам ирмоқ қуйилмайди. Сувнинг 40%и сугоришга, бугланишга ва шимилишга сарф бўлади. Қерки шаҳри яқинида Амударёдан Қорақум канали бошланади. У Амударёнинг 20% сувини олади.

Марказий Осиёнинг шимолида – Козогистонда қуллар қуп, Қирғизистон шаркидаги тектоник сойликда музламайдиган Исикқул жойлашган. Қулнинг узунлиги 180 км., энг чуқур жойи 702м, Денгиз сатхидан 1609м юқорида жойлашган. Козогистон худудидаги Балхаш қули шарқий қисмида сув шурроқ, гарбида бироз чучук, Бунинг сабаби гарбий қисмига серсув Или дарёси қуйилади, Қулнинг узунлиги 600км, энг кенг жойи 74 км.

МДХда арктикадан ташқари ҳеч ерда Марказий Осиёдагидек катта майдонни эгаллаб ётган ҳозирги замон музликлари йук.

Козогистоннинг шимоли дашт зонасига қиради, ундан жануброқда бу зона аста-секин қурғокчил бетага-чалов даштларига айланади. Ундан ҳам жанубда чала чуллар ва чуллар билан алмашади, энг жанубда эса қурук субтропик зонага айланади.

Тоғларда баландлик минтақаланиши асосида асосан чалов ва бетага усадиган тоғ қурук даштлари 1200-1500 м баландликларда дукчук ва наматак буталари усадиган утлоқларга утилади. Юқорида урмонлар минтақаси, ундан ҳам юқорида ранг-баранг гулли альп утлоқлари бор. Ундан юқорида тоғ тундраси ва музликлар бор.

Тоғларда ҳайвонот дунёси хилма-хил. Урмон минтақасида елик, асл бугу, силовсин, тунгиз, тоғ такаси, тоғ қуйи, қор барси қабилар яшайди.

Ҳуллас, Марказий Осиё минтақасининг табиий шароити, географик урни ва қазилма бойликлари узига ҳос бўлиб, табиат ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан меъёрида, оқилона фойдаланиш ҳозирги кунда минтақада жойлашган ҳар қайси давлат, ҳар бир фуқаронинг энг муҳим вазифасидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Географик урин, кескин контрастлик, ер усти тузилиши, текисликлар, Козогистон кирли текислиги, Козогистон паст тоглари, Турон пастекислиги, Тургай платоси, Копнтдог, Помир-Олой, Тяньшань тог системаси, альп бурмаланиши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Марказий Осиё минтакасининг майдони канча ва кайси давлатлар билан чегарадош?

Минтака гарбдан шаркка томон ва шимолдан жанубга томон неча км масофага чузилган?

2. Минтака географик урнининг кандай узига хос хусусиятлари бор?

3. Минтака худудидаги тогликлар кайси тог системаларига киради?

4. Минтака худудларидан кандай фойдали казилма конлари топилган?

5. Марказий Осиё минтакасида кандай иклим шаклланган? Энг йирик дарёлари хакида гапириб беринг.

6. Минтака худудида кандай табиат зоналари шаклланган?

АДАБИЁТЛАР.

1. Узбекистон энциклопедияси. Тошкент 1980й. 13-14 томлар.

2. Максаковский В.П. «Географическая карта мира» Ярославль 1993г.

3. Акимова Т.А., Хаскин В.В. «Основы экоразвития» Москва 1994г.

4. Раковский С.М. «Современная политическая карта мира: структуры и новейшие сдвиги.» География в школе. 1992 г.

3 МАЪРУЗА : МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АХОЛИСИНИНГ СОНИ ВА УСИШ ДИНАМИКАСИ

РЕЖА.

1. Марказий Осиё давлатлари аҳолиси сони ва усиши.
2. Миллий таркиби.
3. Ёш ва жинсий таркиби.

Маълумки, 1991 икли собик СССР нинг парчаланиб кетиши натижасида дунё сиёсий харитасида жуда катта узгаришлар юз берди: бу Иттифок урнида 15 та мустакил республика ташкил топди. Илгари Козогистон ва Урта Осиё деб юритилган худудлар БМТ қарорига кура, Марказий Осиё региони деб юритила бошлади.

Марказий Осиё регионида қадимда Туркистон деб юритилган, худудий жиҳатдан бир бутун бўлган, аҳолисининг тили, миллий урф-одатлари, анъаналари бир-бирига уйғунлашган давлатлар - Ўзбекистон, Козогистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари қиради.

Марказий Осиё давлатлари тарихий ўтмиши, миллий анъаналари, урф-одатларининг ухшашлиги ва бошқа бир қатор хусусиятларига кура бир бутун худудий бирликни ташкил этади.

Маълумки, жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи бўлган аҳолини урганишга иқтисодий ва ижтимоий география курсларида алоҳида эътибор берилади. Чунки мамлакат ва унинг иқтисодий районларининг халқ хужалигини худудий ташкил қилиш ва ривожлантиришда аҳолининг сони, миллий таркиби такрор барпо қилиниш режими ишлаб чиқариш кучлари ва малакалари миграцион ҳаракатлари худудий-жойланиш хусусиятлари каби курсаткичлар катта рол ўйнайди.

Марказий Осиё региони аҳолиси 1995 йил маълумотига кура, 54,3 млн. киши бўлиб, бу МДХ аҳолисининг 17% ни ташкил қилади. (Население и общество, август 1995 г.) Шу жумладан, Ўзбекистонда 22,7 млн. Козогистонда 16,9 млн. Тожикистонда 5,8 млн. Туркменистонда 4.5 млн. Қирғизистонда 4,4 млн. киши яшайди.

Аҳолининг сон жиҳатдан усиши унинг такрор барпо қилиниши ЖАРААёни (туғилиш, улим ва табиий усиш) ҳамда механик ҳаракати (миграция) билан ҳамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнларни кечишига аҳоли ўртасида шаклланган мураккаб тарихий – анъанавий ва ижтимоий йқтисодий хусусиятлар ҳам катта таъсир қурсатади.

Марказий Осиё региони жуда мураккаб тарихий ривожланиш йулини босиб ўтди. Унинг кўҳна тарихи заминнинг гулқираб яшнаши ва таназзули, жангу - жадаллар оқибати бўлган вайроналиклар ва улкан яратувчанлик намуналари, маданий юксалиш ва сиёсий қарамлик даврларининг шохиди бўлди. Бундай жараёнлар албатта аҳолининг демографик ва миграцион ҳолатларига, унинг мулкый психологиясига кўчли таъсир қурсатган.

Марказий Осиё региони аҳолисига оид инқилобдан олдинги расмий маълумотлар жуда кам. Шу билан бирга халқ турмуши даражасининг ва унга

тиббий хизмат курсатишнинг пастлиги туфайли аҳоли сонининг усиши анча суёт борганлиги маълум,

1897 йил маълумотларига кура, Марказий Осиёда 10,5 млн киши, 1970 йили 32,8 млн киши яшаган бўлса, 1995 йили регион аҳолиси 54,3 млн кишини ташкил этди. 1897 - 1970 йилларда аҳоли 1,3% дан ушиб борди. Аҳолининг сон жihatдан усиш боскичларида собик СССР нинг бошка давлатлари катори Марказий Осиё давлатларида ҳам Ватан уруши йиллари алохида ажралиб туради. Уруш туфайли купгина еш йигитлар ва эркаклар узок муддат оиласидан ажралиши, урушда нобуд булиши, амалга ошиши лозим бўлган никохлар кечиктирилиши окибатида аҳоли жинсий таркибининг бузилиш холлари факат уруш йилларидагина эмас, балки ундан кейин ҳам куп йиллар давомида аҳолининг демографик тартибига таъсир курсатган. Гарчи уруш йилларида аҳоли динамикасида чукур узилишлар кузатилган бўлсада , ундан кейинги йилларда демография статистикасида расман тан олинганидек , аҳолининг тулдириш даврида демографик фаоллиги туфайли Марказий Осиёда аҳоли сони нисбатан тез усди .

Гарчи 60 йиллардаги тугилиш пасайган бўлган давр авлоди тикланиш ёшига кирган бўлсада , аҳоли сонининг 1979 ва 1989 йилларда утказилган аҳоли руйхати маълумотларига кура , кейинги 10 йилда Марказий Осиё аҳолиси 9,2 млн кишига купайди .

Аҳоли динамикаси маълумотлари шуни курсатадики, Марказий Осиё давлатлари аҳолиси совет йилларида анча тез купайди . Аҳоли сонининг муттасил ва анча юкори даражада суръатлар билан ушиб бориши натижасида минтаканинг собик СССР даги салмоги ортиб борди. Масалан, 1926 йили Марказий Осиёнинг Иттифок аҳолиси салмогидаги улуши 7% ни ташкил эткан бўлса, 1959 йили 11%, 1997 йили 17% ни ташкил этди

Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг бундай юкори суръатлар билан усиши асосан табиий усиш хисобига бўлди. Табиий усиш курсаткичларининг катталигига кура, Марказий Осиё давлатлари .М Д Х да олдинги уринда туради. Табиий усиш Марказий Осиё давлатларида турлича : 1989 йили табиий усиш Ўзбекистонда хар минг киши хисобига 27 кишини, Киргизистонда 24 кишини, Козогистонда 17 кишини ташкил этган бўлса, Туркменистонда 27 кишини, Тожикистонда 32 кишини ташкил этган. Шу йили собик СССР даги бошка (гарбий) давлатларда, масалан, Россияда 6 киши, Грузияда 10 кишини ташкил этган. Бу курсаткич кейинги йилларда ҳам унчалик катта микдорда узгармаганлигини куришимиз мумкин. 1995 йили табиий усиш Тожикистонда 24, Ўзбекистон 24, Туркменистонда 25, Киргизистонда 18 ва Козогистонда 10 кишини ташкил этди. Марказий Осиё минтакасида аҳоли табиий купайиши курсаткичларининг кейинги вақтларгача ҳам юкори холда сакланиши бир катор ижтимоий – иктисодий сабаблар билан боглик. Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби мухим демографик курсаткичлардан бири бўлиб, улар меҳнат ресурсларининг, мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги болаларнинг, нафакахурларнинг хозирги ва келажакдаги сонини аниклаш, турли жинс ва ёшдаги аҳоли учун зарур бўлган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради. Жинсий ва ёш таркибига тегишли

маълумотлар якин келгуси аҳолининг такрор барпо килиниши кай даражада булишини ҳам олдиндан айтиб бериш имконини яратади. Агар жинслар нисбати тенг ёки якин булса, тулиш имкониятлари ҳам юкори булади.

Марказий Осиё аҳолисининг жинсий ва ёш таркиби узига хос хусусиятига эга. Инкилобдан олдинги даврларда Марказий Осиё (Туркистон) аҳолисининг жинсий таркибида эркаklar купчиликни ташкил эткан. Бу хол аввало ушбу даврда аёлларнинг узок тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган ижтимоий хаётда тутган урни хусусиятлари билан богликдир. Оилада уй розгор юмишлари асосий кисмининг аёллар зиммасига тушиши, одатга кура, кизларнинг эрта турмуш куриши ва куп болалик, тиббиёт хизмати ҳамда оналикни мухофаза килишдаги колокликлар аёллар уртасида улимнинг юкори булишига ва уларни кам умр куришига олиб келган.

Марказий Осиё минтакаси аҳолисининг жинсий таркибидаги бундай хусусиятлар 1939 йилги Бутуниттифок аҳоли руйхати маълумотларида ҳам сакланиб колган. Шу йили минтака аҳолисининг 53% ни эркаklar, 47% ни аёллар ташкил килган. Бу курсаткич Марказий Осиё давлатларининг хар бирида турлича: Масалан, Узбекистонда умумаҳолининг 51,6% эркаklarга 48,4% аёлларга тугри келган (1939 й) Хозирги кунда эса умумаҳолининг 52% аёлларга, 48% эркаklarга тугри келади.

Аҳоли ёш таркибига оид куйидаги хусусият ҳам кузга ташланади: МДХ буйича тугилишнинг тобора камайиб бориши натижасида аҳолининг «кариб» бориши кузатилаётган булса, Марказий Осиё давлатларида аксинча тугилиш юкорилиги сабабли аҳолининг «ёшариб», бориши кузатилмокда.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Аҳолининг такрор барпо килиниши, аҳолининг сон жихатдан усиши, аҳолининг табиий усиши, аҳолининг жинсий таркиби, аҳолининг ёш таркиби, мехнат ресурслари, аҳолининг «ёшариб» бориши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Халк хужалигини худудий ташкил килиш ва ривожлантиришда аҳолининг сони, миллий таркиби, ишлаб чикариш малакалари ва бошка хусусиятлари кандай роль уйнайди?
2. Марказий Осиё минтакасининг аҳолиси сони канча ва МДХ аҳолисининг неча фоизини ташкил килади?
3. 11-Жохон уриши йилларида Марказий Осиё аҳолисининг сон жихатдан усиши кандай хусусиятларга кура ажралиб туради?
4. Минтака аҳолиси сонининг юкори суръатлар билан усиши асосан нима хисобига булди?
5. Марказий Осиё минтакаси аҳолисининг жинсий таркиби кандай?
6. Минтака аҳолисининг ёш таркиби кандай узига хос хусусиятларига эга?

АДАБИЁТЛАР

1. «Практикум по географии населения» Е. Л. Шувалов Москва «Просвещения» 1978 г
2. Ежегодник . Москва 1985 г.
3. «Население и общество», 1997 г август
4. Узбекистон энциклопедияси 1980 й. 13-14 томлар.
5. Максаковский В. П. Географическая карта мира. Ярославль 1993 г.
6. «Узбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ғуғрофияси». Тошкент «Укитувчи» нашриёти 1995 й.

МАВЗУ: МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ХАЛК ХУЖАЛИГИ

РЕЖА

1. Марказий осиенинг саноти
2. Кишлок хужалиги
3. Транспорти
4. Иктисодий ривожланишдаги хусусиятлари
5. Минтака ривожланишдаги фарклари

Марказий Осиё халк хужалигининг номутаносиб таркиби, унинг худудий жойланишидаги ута нотекисликларни ҳам курсатиш мумкин.

Марказий Осиё давлатларининг халк хужалиги якин-якин йилларгача собик СССР иктисодиётининг ягона халк хужалик тизимига мослаштирилган эди.

У хар жихатдан марказга тобе булиб, шу тизимга боглаб ташланган эди. Бунинг маъноси шу эдики, улар «юкори» нинг курсатмаси билан узларида халк хужалигининг айрим тармокларинигина ривожлантириш айрим тармокларни эса хар канча кулай шарт-шароит булса ҳам ривожлантирмаслиги керак эди. Марказ бу борада аник микдорни, хаттоки дехкончиликда аник гектарни ҳам белгилаб берарди. Марказий Осиё халк хужалиги факатгина биртомонлама ривожлантирилди, яъни у хом ашё етказиб берувчи минтакага айлиб колди. У собик Иттифокнинг ёкилги ва металлургия саноати, курилиш материаллари ва озик-овкат, енгил саноат тармокларига хом ашёлар етказиб берувчи асосий районга айланттирилган эди.

Халк хужалиги ривожланишидаги эрксизлик Марказий Осиёни дунёнинг колок районлари сафига кириб колишига олиб келди. Марказий Осиёдаги барча давлатлар уз иктисодиётини ривожлантирилишининг марказга тобе хусусиятларига эга эди. Бу хусусият Россия империяси олиб бораётган сиёсатининг окибати эди.

Бугунги Марказий Осиё яъни собик СССР парчаланиб кетиб, унинг урнида МДХ вужудга келган бир вақтдаги Марказий Осиё иктисодиёти якин утмишнинг асоратидан кутулган эмас. Бу асорат унинг иктисодиётида узок вақтларгача уз таъсирини курсатиб туради, деб айтишимиз мумкин.

Хар бир жамият ишлаб чиқарувчи кучларни аввало халк хужалигининг етакчи тармоги булган саноатни самарали худудий ташкил килишга катта эътибор беради. Чунки саноат халк хужалигининг барча тармоклари учун моддий техника воситаларини тухтовсиз ишлаб чиқариш манбаи сифатида хар кандай худиднинг иктисодий имкониятини, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техникавий даражисини, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг холатини белгилаб берди.

Саноатни ривожлантириш ва уни худудий ташкил килишда хилма-хил шароитлар, омиллар катнашади. Уларни асосан икки гуруҳга булиш мумкин:

1.-иктисодий географик омиллар ва 2.-табиий географик омиллардир. Иктисодий географик омилларга меҳнат ресурслари билан таъминланганлик холати ва уларнинг хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил килиш

шакллари, энергетика, транспорт шароитлари, ишлаб-чиқаришнинг моддий техника базаси, Ф.Т.Т. даражаси, қабилар қирса, табиғ географик омилларга эса табиғ шароит (рельеф, иқлим, қабилар) хусусиятлари, табиғ ресурслар (минерал ва сув ресурслари) билан таъминланганлик даражаси қабилар қиради.

Саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг моддий техника базаси катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг моддий техника базаси ишлаб чиқариш шароитларининг мажмуи бўлиб, техника ишлаб чиқариш қуролларидан ташкил топади. Саноатнинг ўзи икки гуруҳга: 1-огир саноат, 2-енгил санот қабиларга бўлинади.

ЎҚИЛГИ ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ

Марказий Осиёда ўқилги энергетика саноати яхши ривожлантирилган бўлиб, огир саноатнинг муҳим тармоқларидан биридир. Унга табиғ газ, нефть, қумир қазиб чиқариш, нефтни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва электр энергияси ишлаб чиқариши қиради. Бу саноат тармогининг асосини қумир, нефть, газ қабилар ташкил қилиб, Марказий Осиёда давлатлари орасида Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон давлатларида маъқур саноат тармоғи яхши ривожлантирилган. Туркменистоннинг Небитдоғ районида, Қозоғистоннинг гарбий иқтисодий районида, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида, Муборақ қонида нефть ва газ анча қуптир. Бу районларда нефтни қайта ишловчи заводлар ва иссиқлик электр станциялари (ИЭС) ишлаб турибди. Шунингдек бу районлардан Марказий Осиё давлатларининг саноатлашган шаҳарларига ва хорижий давлатлага нефть ва газ қувурлари утқазилмоқда. Жумладан Туркменистон давлати ҳамда Қозоғистон Россияга, Украинага ва бошқа қупгина давлатларга газ ва нефть қувурларини утқазган. Туркменистондан Эронга, Туркияга нефть қувурлари тортилган. Японияга эса табиғ газ сотиш режалаштирилган. Қозоғистондан Туркияга газ қувурлари утқазилган.

Марказий Осиё давлатларининг энергетика комплексида қумирнинг роли катта бўлиб, қумир қонлари бу давлатларнинг барчасида топилган. Айниқса Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳудудларида қумир захиралари қуп. Биргина Қозоғистонда қумирнинг геологик захираси 40 млрд. т. га тенг. Қарағанда, Ёқибастуз, Уғабан хавзалари энг йириқлари ҳисобланади ва бу қазиб олинаётган қумир эвазига иссиқлик электр станциялари ишлаб турибди. Марказий Осиёда қудратли ўқилги энергетика саноати комплекси ва гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергия таяниб электро энергетика ривожлантирилган.

Марказий Осиё давлатларида йилига 190 млрд. квт-с қупроқ электр энергияси ишлаб чиқарилади. Яқин келажакда Марказий Осиё давлатлари ягона энергетика системасига эга бўлади. Марказий Осиё давлат раҳбарлари учрашувида ягона энергетика системасини яратиш ҳақида қелишиб олинган эди.

Металлургия саноати

Металлургия саноати Марказий Осиё Давлатларининг ривожланган тармоқларидан ҳисобланиб ҳудудда унлаб темир руда конлари топилган ва ишга туширилган. Шулардан энг муҳимлари Караганда ва Кустанай вилоятларидаги темир руда конлари булиб, 30 дан ошiq конлар очилган ва бу конлардаги темир руда захираси 18 млрд.т га тенг.

Металлургия саноати асосан металлларни казиб олиш, бойитиш ва эритишни уз ичига олиб бу саноат кора металлургия ва рангдор металлургия тармоқларига булинади.

Кора металлургия махсулоти халқ хужалигининг барча тармоқларида техника тараккиётини белгилаб берувчи машинасозлик саноати учун хом ашё, унинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Марказий Осиё кора металлургияси 1-навбатда Марказий Козогистонда таркиб топрғн ва ривожлантирилган. Козок магниткаси деб аталадиган тулик циклдаги Караганда металлургия заводи чуян, пулат, прокат ишлаб чиқаради. Бу металлургия корхонаси Карагандада казиб олинаётган кумир екилгисига таяниб ишлайди.

Ўзбекистонда ҳам "Бекобод" металлургия комбинати бор. Ўзбекистонда кора металлургия махсулотларига талаб ортиб бориаяптя, шунинг учун Бекобод заводи махаллий эҳтиёжларнинг жуда оз қисминигина қондирмоқда. Бунинг устига заводда прокатларнинг факат айрим турларигина ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга Бекободда тайёрланаётган прокатларнинг бир қисми қушни республикаларга ҳам жунатилади. Бекобод заводининг қувватини янада ошириш давримиз талабидир, чунки бу корхона ҳозирги вақтда Марказий Осиё республикаларида йигилиб қолаётган металлларнинг 25% ни ҳам қайта эритиб улгура олмаяпти.

Ўзбекястон ҳудудида кора металлургияни ривожлантириш учун зарур бўлган темир ва марганец рудалари, флюс материаллари ва утқа чидамли хом ашёлар ҳам топилган. Бу хом ашёлар асосида келажакда тула циклли кора металлургия саноатини барпо этиш мумкин.

Ҳозирги кунда Марказий Осиё кора металлургияга бўлган эҳтиёжни қисман бўлса ҳам қондириб келмоқда.

Марказий Осиё давлатлари металлургия комплексларида рангдор металлургия саноатининг салмоғи каттадир.

Марказий Осиё Давлатлари ҳудудида топилган бир неча унлаб рангли металлларга таянган ҳолда металлургия корхоналари ишлаб турибди. Рангли металлургия хом ашёси эса Марказий Осиё Давлатларининг Туркменистон давлатидан ташқари барча давлатлари ҳудудида учрайди. У айниқса, Козогистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудида қуп. Алюминий, сурма, қурғошин, рух, олтин ва хоқазо ноёб ва нодир металллар уз саноат корхоналарига эга. Жумладан, Балхаш, Олмалик ва Жезқазған шаҳарларида мис саралаш фабрикалари бор. Тожикистоннинг Турсунзода алюминий заводи ишлаб турибди. У Марказий Осиёда рангдор металлургиянинг гиганти ҳисобланади. Завод 1971 йилда ишга тушган. Завод

Марказий Осиё Давлатлари машинасозлик корхоналари учун киматли хом ашё маҳсулотларини, алюминийнинг турли форма ва улчамдаги куймаларини, шунингдек аҳоли эҳтиёжи учун маҳсулотлар етказиб беради.

Рангдор металлургия саноати Ўзбекистоннинг дунёвий аҳамиятга эга булган иқтисодий соҳаларидан бири ҳисобланади. Республика ҳудудида захираси буйича анча истикболли, казиб олишнинг техник иқтисодий курсаткичлари қулай булган катор мис, полиметалл, вольфрам, молибден конлари, алюминий ва магний хом ашёлари бошқа рангдор ҳамда нодир металлар топилган.

Ўзбекистоннинг рангдор металлургияси анча ёш ишлаб чиқариш тармоқларидандир. Шунга қарамай унинг ҳиссасига Марказий Осиё Давлатларида ишлаб чиқарилган рангдор металларнинг 2-3 қисмидан қупи тугри келади.

Ўзбекистонда мис, қурғошин ва рух саноатининг бир ерда жойлашганлиги муҳим қулайликлар тугдиради.

Ўзбекистонда рангдор металлургиясининг энг аҳамиятли тармоқларидан бири олтин саноатидир. Бу тармоқ анча бой ва нодир хусусиятларга эга булган йирик олтин конларига эга.

Ўзбекистонда алюминий саноатини ривожлантириш учун ҳам зарур шароит ва захиралар мавжуддир.

МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ

Бу комплекс Марказий Осиё региони машинасозлик саноатини уз ичига олади ва давлатлараро йуналиши буйича фарқ килади. Улкан машинасозлик саноат корхоналари энергетика саноати (нефть казиб олиш, газ ва қумир казиб олиш) гидравлик ва иссиқлик электр станциялари учун машина механизм асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Бу комплекс металлургия саноати, химия саноати, қишлоқ ҳужалиги, транспорти учун турли маркадаги машина ва механизмалар ишлаб чиқаради.

Саноатнинг бу тармоғи табиий ресурс омилига бевосита боғланмаганлиги учун хом ашё районига қура, истеъмолчи районларида яхши ривожлантирилган. Жумладан Туркменистонда нефть ва газ машинасозлиги, Қозогистон ва Ўзбекистонда автомобилсозлик ва самолётсозлик машинасозлиги, Қирғизистонда автомобилсозлик яхши ривожлантирилган. Тожикистонда эса қишлоқ ҳужалиги машинасозлиги саноати ривожлантирилган.

КИМЁ САНОАТИ

Кимё саноати оғир саноатнинг халқ ҳужалигида фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқларидан биридир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришни пластик массалар, сунъий тола, синтетик, қучук, лок-буёқ, қислота ва ишқорлар, шунингдек қуплаб бошқа кимёвий маҳсулотларсиз тасаввур қилиб булмайд. Шунинг учун кейинги вақтда кимё саноати бошқа

тармоқларга нисбатан анча юкори суратлар билан ривожлантирилмоқда. Саноатнинг бу тармогини арзон табиий газ нефть билан бирга учрайдиган йулдош газ, газ конденсатлари, электр куввати, турли минерал хом ашёлар ҳамда меҳнат ресурсларига бой районларда айниқса тез ривожлантириш мумкин.

Хозирда Марказий Осиёда кимё саноати комплекси билан боғлиқ саноат тармоқларининг ривожланиши кенг кулоч ёймоқда. Бу ерда нефтехимия, газохимия, кумирхимия тармоқлари айниқса ривожлангандир. Кимё саноатининг юкоридаги тармоқлари Козогистон, Ўзбекистон ва Туркменистон хом ашё районларида жойлашган. Шунингдек минтака кимё саноати минерал угит учун ишлатиладиган калий, фосфорит конлари базасида ҳам ривожлантирилган. Масалан: Козогистонда маҳаллий хом ашё базасида кимё саноати жуда ривожлантирилган. Саноатнинг бу тармоғида 80 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Минерал угитлар, олтин гургут кислотаси, сунъий тола, хромли туз, захиралари химикатлар, антибиотиклар, полиэтиленлар, гербицитлар ишлаб чиқариш айниқса яхши йулга қуйилган. Мамалякатда нефтехимия, газохимия, кумирхимия маҳаллий хом ашёларга таянган ҳолда тез ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон кимё саноатининг анча яхши тараккий этганлиги билан Марказий Осиё Давлатлари орасида ажралиб туради. Республикада ҳозирги замон кимё саноатининг жуда қў масулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда кимё саноатининг дастлаб вужудга келган, ҳамда ҳозирги пайтда юкори даражада ривожланган тармоғи пахтачилик мажмуига хизмат қилувчи ва унинг таркибий қисми ҳисобланган минерал угитлар ишлаб чиқаришдир.

Республикада кимё саноатининг кенжа тармоқларидан бири – органик синтез кимёси тез ривожланмоқда. Бу соҳанинг энг йирик қорхонаси Навоий кимё комбинати ҳисобланади.

Бундан ташқари республикада кимёвий толалар ишлаб чиқариш, пластик моддалар ва улардан турли моддалар ишлаб чиқариш, резина-техника тармогини ривожлантириш яхши йулга қуйилмоқда.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ КИШЛОК ХУЖАЛИГИ

Марказий Осиё халқ хужалигини қишлоқ хужалиги муҳим урин тутди. Унинг етакчи тармоқлари усимлиқшуносликда пахтачилик ва пахта комплекси, дончилик, айниқса бугдой ва шўли, мевачилик ва узумчилик, қилизчилик ва сабзавотчилик; қорвачиликда қорамолчилик, қуйчилик, йирикчилик, туячилик, парандачилик ва балиқчилик тармоқларини ривожлантириш қўда тутилган.

Қишлоқ хужалигидаги минтақавий фарқлар ҳам яққол қўда ташланади. Масалан: Козогистон дончиликда, Туркменистон ва Тожикистон пахтачиликка, Қирғизистон давлати эса майин толали жўн етиштиришга ихтисослашган.

Марказий Осиёнинг қишлоқ хужалиги бир томондан тармоқ тузилишини, иккинчи томондан агрессаноат интеграцияси неғизда ривожлантиритни узғартирмоқда. Асосан қишлоқ хужалиги хом ашёси етиштиришга

ихтисослашган Марказий Осиё региони кишлок хужалиги махсулотлари хом ашёсини бошқа регионларга чиқаришга чек қўймоқда ва уларни саноат усулида қайта ишлаш авж олмақда.

Агросаноат мажмуи (АСМ) регион халқ хужалигининг муҳим таркибий қисми бўлиб кишлок хўжалик махсулотларини етриттириш ва истеъмолчиларга етқизишда катнашадиган тармоқларни уз ичига олади.

Козогистон курик улқа номини олган Шимолий Козогистон иктисодий райони эди. Бу районда 1954-60 йилларда 30 млн.гектарга яқин ва буз ерлар узлаштирилган. Курик улқаларда қиска вақт ичида юзлаб дончилик давлат хўжаликлари туман ва вилоятлар ташкил этилган. Дончиликка хизмат қиладиган машинасозлик саноат корхоналари барпо қилинди. Бироқ Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида баъзи сабабларга кура, дончилик комплекси яхши ривожланмаган. Келажакда Марказий Осиёнинг барча давлатларида дончилик комплексини ривожлантириш режалаштирилган. Чунки Марказий Осиёнинг ҳар бир мустанкил давлати маҳаллий аҳолининг дон, ун ва ун махсулотларига булган талабини қондириш учун узок муддатларга мулжалланган режаларини тузиб олган. Бундай тадбир Козогистоннинг йирик дончилик ҳудуди бўлиб қолишини асло инкор этмайди, балки Марказий Осиё ҳудудида мазкур комплекснинг қенг ривожланишига олиб қелади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ТРАНСПОРТИ.

Транспорт ишлаб чиқарувчи қўшларнинг ривожланиши ва жойланишига таъсир қурсатади.

Яқин утмишда Марказий Осиёда ягона транспорт системаси вужудга қелтирилмаган эди. Бу эса ҳудудлари яхлит булган, қелиб чиқиши бир булган халқ хўжалик тармоқлари бир-бири билан узвий боғланган регион учун ута зарур эди. Ягона транспорт система.сига мухтож булган бу улқада барча транспорт турлари ва унда транспорт воситаларининг қатнови ҳам марказга буйсунар эди. Марказий Осиёда темир йул транспорти тармоқлари унча яхши ривожланмаган, темир йулларининг узунлиги қиска, зичлиги эса жуда ҳам сийракдир. Марказий Осиёда ҳар 1000 км²га темир йулларининг уртача зичлиги 5,2км.ни ташкил этади.Бу қурсатқич Украинада 30,8км.ни, Белорусда 26,7км.ни ташкил этади.Шунинг учун ҳам Марказий Осиёнинг айрим давлатлари иктисодий районларида темир йул транспорти яхши йулга қуйилмаган.Жумладан Қирғизистонда зичлик 1,8км ,Ўзбекистонда 7,8км, Турманистонда 4,3км.ни ташкил этади.

Ички районлараро қатта аҳамиятга эга булган автомобиль транспорти ҳам талаблар даражасида ривожланмаган. Автомобиль йуллари ҳар 1000км².га зичлиги Туркменистонда 43,2км.ни,Тожикистонда 133,4км.ни ташкил қилади.Бу қурсатқич Украинада 413,3 км.ни, Белоруссияда 294,2км,ни ташкил қилади.Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати Хорижий Осиёга чиқиш-нинг узига хос имқониятларига эгаки, бу омилдан ҳам эндиликда узаро ҳамқорлик йулида фойдаланилмоқда.Масалан: Туркменистондан то Машҳадгача бор йуғи 132км лик темир йул етқизиш қифоя.Бу темир йул линияси орқали Эрон,Туркия

ва хоказо, Европа мамлакатлари билан боғланиш қобилиятига эга бўлади. Бу темир йул линияси Қушқадан Машҳад шаҳригача давом этиш керак. Термез-Қобул автомобиль йулининг қурилиши, шунингдек Марказий Осиё Давлатларида Каспий денгизидан транспортда ҳамкорликда фойдаланиш Қозоғистон орқали Хитойга ва сунгра Тинч океани денгизларига чиқиш режаларининг тузилиши Марказий Осиё Давлатлари ташқи иқтисодий алоқасида буюқ бўрилиш уфқларини очиқ бермоқда.

Асосан қуруқлик минтақаси бўлган Марказий Осиё Давлатларида юк ва пассажир ташишда, темир йул транспорти айниқса катта аҳамиятга эга. Улқада дастлабки темир йул линиялари ҳисса Россияси ҳукумронлиги даврида қурилган, унинг энг муҳим линиялари қуйидагилардир :

1-Т-Красноводск-Ашхабад-Чоржуй-Қогон-Самарқанд-Тошкент йули

2-Тошкент-Чимкент-Бишкек-Алмаата йули

3-Тошкент-Термез-Душанбе йули

4-Термез-Қургонтепа-Яван йули

5-Чоржуй-Қунғирот

6-Мари-Қушқаб

7-Фарғона-Қизилқия

8-Семипалатинск-Олматӣ-Чимкент-Арис темир йули.

1960-1990 йилларда улқанинг айрим давлатлари ҳудудида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темир йул линиялари қурилган. Шулар жумласига Термиз-Қургонтепа-Яван темир йулини, Қозоғистондаги Мақат-Бинов-Шевченко темир йулларини қурсатиш мумкин.

Марказий Осиё Давлатларида автомобиль транспортининг ривожланишига бир қанча омиллар таъсир қурсатади. Улардан энг муҳимлари : 1-Улқада темир йул линияларининг қалталиги ва зичлигининг пастлиги, 2 - Улқа арографик хусусиятларининг мураккаблиги қабилардир.

Қирғизистон Республикасининг арографик хусусияти узига ҳослиги туфайли, яъни баланд тоғли мамлакат бўлгани учун автомобиль транспорти нисбатан ривожланган. Хар 1000 км² га уртача автомобиль йулининг зичлиги Қирғизистонда -297,4 км ни, Ўзбекистонда-207,4 км ни, Туркменистонда - 43,2 км ни ташқил этади.

Қувур транспортининг ривожланиши минтақада давлатлараро аҳамиятга эга. Туркменистон, Қозоғистон, Ўзбекистон республикалари ҳудудида унлаб қувур транспорти тармоқлари мавжуд. Бу қувур транспорти линиялари хорижий давлатларга ҳам узатилмоқда. Жумладан Эрон, Туркия ҳаттоки Европа, мамлакатларига чиқиш режалаштирилмоқда.

Сув трансперти. Марказий Осиёда Қозоғистон ва Туркменистон ҳудудлари, Каспий денгизи ҳисобига яхши ривожланган. Ўзбекистонда Собик СССР даврида, Амударёдан кенг фойдаланилар эди. Ҳозир эса темир йул ва автомобиль йуллари қурилгани учун унча, фойдаланилмайди. Ҳаво транспорти. Собик СССР вақтида анча чекланган эди. Яъни Марказий Осиё Давлатлари истаган мамлакатлари билан бу транспорт тури орқали алоқа қилолмас эди. Эндиликда Марказий Осиё Давлатларининг барча йирик шаҳарлари жумладан

Тошкент, Олмати, Бишкек, Душанбе, Ашгабат шаҳарлари дунёнинг купгина мамлакатлари билан ҳаво транспорти орқали боғланган.

Марказий Осиё халқ ҳужалигининг ривожланишида анчагина регионал фарқлар мавжуд. Масалан: Марказий Осиёнинг энг йирик ва саноати анча ривожланган региони Козогистон мамлакатада маҳаллий хом ашё базасида нефть ва кумир саноати, рангдор ва кораметаллургия саноати ҳар хил машинасозлик қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва енгил саноати ривожланган.

Кирғизистонда кумир саноати, энергетика саноати, автомобилсозлик приборсозлик, озиқ-овқат саноати.

Туркмакистонда нефть казиб олиш саноати, нефтни қайта, ишлаш саноати, химия саноати; Тожикистонда эса рангдор металлургия саноати ривожланган.

Марказий Осиё Давлатлари сиёсий мустқиллигини қулға қиритиши билан саноат ишлаб қикаришида қалокликларни бартараф этиш йулларини изламокда ва бу борада ривожланган мамлакатларнинг етук фирмалари билан ҳамқорлик қилиш йулға қуйилмокда. Марказий Осиё Давлатлари ҳукумат раҳбарларининг 1992 йил октябрь ойида Туркиянинг пойтахти Анқарада булиб утган олий даражадаги Йигилишда қабул қйлинган декларациясида шунингдек, уларнинг 1993 йил январда Марказий Осиё Давлатларининг иқтисодиётини, ички имқониятлар ва бу минтақадаги давлатларнинг узаро ҳамқорлиги билан ривожлантириш қелишиб олинди. Мазқур йигилишдаги икки томонлама ва қуп томонлама қабул қилинган ҳужжатларда минтақада саноатни, қишлоқ ҳужалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари белгилаб олинди. Бундан ташқари ҳудудда муҳим қомплексларни ривожлантириш мақсадида махсус қумиталар тузилди. Жумладан Ўзбекистонда пахта, Козогистонда дон, Туркменистонда нефть, Кирғизистонда энергетика қумиталарини тузишға аҳд қилишди.

Эндиликда Марказий Осиё Давлатлари ривожланишнинг янгича асосларига таянган ҳолда халқ ҳужалигини ривожлантиришни амалға оширишға қиришмокда. Халқ ҳужалигининг қуп соҳаларини ривожлантиришда умумийлик асос қилиб олинмокда. Саноат, агросаноат қомплексини, транспорт алоқаларини ривожлантиришда, режалаштириш ишлари умумий асосда татқик қилинди. Марказий Осиё Давлатларининг жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари билан бевосита алоқа урнатиш уларнинг техника воситаларидан ишбилармон, малақали мутахассис қадрлардан фойдаланиши бу давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришнинг янги асосларда қурилган муҳим пойдеворидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАРИ.

Ёқилғи – энергетика саноати, ГЭС, АЭС, ИЭС.

Тулик металлургия қикли

Машинасозлик қомплекси

Қимё саноати

Агросаноат мажмуи

Марказий Осиё Давлатлари темир йул транспорти, автомобиль транспорти, сув транспорти, кувур транспорти, хаво транспорти.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Совет хокимияти йилларида Марказий Осиё хужалигининг ривожланиши кандай ахволда эди ва унинг бир томонлама ривожлантирилиши кандай оқибатларга олиб келди ?
2. Саноатни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этишга кандай омиллар таъсир курсатади ?
3. Марказий Осиё Давлатлари ёкилги-энергетика саноатининг асосини нималар ташкил қилади ?
4. Марказий Осиё Давлатларида металлургия саноатини юкори даражада ривожлантириш учун кандай шарт-шароитлар мавжуд ?
5. Марказий Осиё Давлатларида кишлок хужалигидаги минтакавий фаркларни тушунтиринг.
6. Марказий Осиё Давлатларида транспортида қайси транспорт тури етакчи роль уйнайди ?
7. Марказий Осиё Давлатларида ҳукумат раҳбарларининг 1992 йил Анкарада бўлиб ўтган олий даражадаги йиғилишида кандай масалалар уртага ташланди ?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон энциклопедияси. 12-13 томлар.
2. Қазақстан. Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред Н.Н.Польгов и др. Москва / «Мысль» 1970 г.
3. Туркменистан. Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред В.Н. Кунин. Москва / «Мысль» 1969 г.
4. Таджикистан. Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред Д.А. Чумичев. Москва / «Мысль» 1968 г.
5. Киргизистан. Географическое описание в 22-х томах. Москва / «Мысль» 1971 г.
6. Марказий Осиё, маърифат газеталаридан олинган маълумотлар.
7. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳолати. Тошкент 1995 йил.

**МАВЗУ: КОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГЕОГРАФИК УРНИ,
ЧЕГАРАЛАРИ, ТАБИИЙ ШАРОИТИ ВА КАЗИЛМА БОЙЛИКЛАРИГА
ИКТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК БАХО БЕРИШ.**

РЕЖА.

1. Республика тугрисида умумий маълумот.
2. Табиий шароити.
 - a) Рельефи
 - b) Иклими
 - c) Сувлари
 - d) Тупрок, усимлик ва хайвонот дунёси.
3. Фойдали казилмалари.

Козогистон Республикаси Марказий Осиёнинг шимолидаги катта худудларни ишгол килиб, майдони - 2715 минг кв.км, Аҳолиси – 16,4 млн. киши (1997 й.)

Козогистон майдонининг катталиги жихатдан МДХ давлатлари ичида Россиядан кейин 2-уринда, Марказий Осиё давлатлари ичида эса 1-уринда туради. Республика майдони Каспий кулидан то Олтой тоғларигача 3000 километр масофага, шимолда Россия чегараларидан Урта Осиё давлатларигача 1700 км масофага чузилган.

Козогистон шимолда катта масофада Россиянинг ривожланган икгисодий районлари билан, жанубий гарбда Туркменистон, жанубда Ўзбекистон, ва Киргизистон республикалари билан чегарадош. Республиканинг шаркдаги чегаралари эса Хитой давлати билан булган чегараларга тугри келади. Гарбий чегараларини бевосита Каспий кули сувлари ювиб туради. Козогистоннинг шимолий ва жанубий чегараларининг катта қисми текислик ва қирлардан утади. Киргизистон ва Хитой давлатлари билан булган чегаралар эса тоғликлардан утади.

Козогистон Республикасининг географик урни Марказий Осиёдаги айрим давлатлар, масалан Киргизистон ёки Тожикистонга нисбатан бир мунча кулай. Чунки, республика худудининг катта қисми текислик ва унча баланд булмаган тоғликлардан иборат. Баланд тоғлар шарқий ва жанубий-шарқий қисмларида жойлашган. Бу ҳол халқ хужалигини ривожлантириш учун муҳим омиллардан биридир. Географик урнининг яна бир кулайлиги – Козогистон бевосита Каспий денгизига чиқа олади. Денгиз орқали Кавказорти давлатлари, Туркия, Эрон билан узаро икгисодий алоқаларни урнатиши мумкин. Шунингдек, Кавказорти давлатлари орқали утувчи Баку-Батуми темир йули билан Қора денгизга, ундан Урта денгизга чиқиб, Европа ва Дунёнинг исталган мамлакатлари билан, савдо-сотик, маданий алоқаларни йулга қуйиши мумкин. Козогистон Марказий Осиёнинг деярли ҳамма (Тожикистондан ташқари) давлатлари билан чегарадош. Бу ҳол Марказий Осиё минтақасининг бир

бутунлигини таъминлай яъни узаро ички алокаларни йулга куйишга ва ривожлантиришга имкон яратади. Козогистонни Россиянинг ривожланган иктисодий районлари билан чегарадошлиги ҳам муҳим иктисодий аҳамиятга эга.

Халк хужалигини жойлаштириш ва ривожлантиришда республика табиий шароити ва табиий ресурслари муҳим рол уйнайди. Козогистоннинг ер усти тузилиши хилма-хил. Республика шимолий-ғарбини Умумий Сиртнинг жанубий чеккаси ва Уралолди платаси эгаллаган. Ундан жанубда кенг ясси Каспийбуйи пасттекислиги жойлашган. Жанубий-ғарбда Мангикишлок яримороли бўлиб, ундан шарқда денгиз сатхидан 340 м кутарилиб турадиган Устюрт платоси бор. Каспийбуйи пасттекислиги шимолий-шарқда Урал тоғларининг жанубий тармоклари ва Муғожар тоғлари билан туташади. Муғожар тоғларидан шимолий-шарқда Турғай платоси бор. У жанубда Турон пасттекислигига туташиб кетади. Орол денгизидан шимолда Катта ва Кичик Бурсик кумликлари ва Оролбуйи Қорақуми жойлашган. Республиканинг марказий қисмини Козогистон бурмали тоғлари (Сариорка) эгаллаган. Бу ерда Кизилрай (1556 м), Карқарали (1366 м), Улутов(1133 м) каби алоҳида тоғ массивлари бор.

Козогистон бурмали тоғларидан жанубда Бетпақдала чули, ундан жануброқда эса Муйинкум чули жойлашган.

Баланд тоғликлар асосан Республиканинг шарқий ва жанубий-шарқий ҳудудларини эгаллайди. Шимолий-шарқда Олтой тоғларининг жанубий тармоклари, Жунгория Олатови, Торбоғатой, Қетмен тизмаси жойлашган. Энг баланд тизмаси Илиорти Алатовидаги Хантангри чуққиси бўлиб, денгиз сатхидан 6995 м. юқорида.

Жанубий-шарқда Қирғизистон билан булган чегара яқинида Қунгей Алатоо, Қаратоу, Қирғиз тизмаси жойлашган.

Козогистон океан ва денгизлардан узоқдалиги, ҳудудининг кенглиги ва орографиясининг узига ҳослиги учун буерда кескин континентал ва зонал хусусиятга эга булган иқлим шаклланган. Баланд тор тизмалари Жанубий Осиё муссонларини бу томонларга кириб келишига имкон бермайди. Урта денгиз циклонлари ҳам бу ерларга камдан-кам кириб кела олади киш шимолда совук, маркази ва жанубида юмшоқ булади. Январнинг уртача ҳарорати шимолда -18° , текислик қисмининг жанубида -3° Шимолий ва марказий қисмларида кишда 45° , жанубдаги раёнларда -35° гача совук булади. Козогистонда март ойининг охирилари, ҳатто апрель ойининг бошларида ҳам "қора совуқлар" булади. Республиканинг шимолий қисмлари очик, ҳеч қандай тусик сиз булганлиги учун арктик ҳаво массалари бемалол кириб кела олади. Кишки ва ёзги ҳаво ҳароратлари уртасида кескин фарқ бор. Ёз шимолда илик, жанубда иссик булади. Июлнинг уртача ҳарорати шимолда $+19^{\circ}$, Жанубда $+28^{\circ}+30^{\circ}$ ни ташкил этади. Тоғликларда ёз қиска, киш иликлов булади.

Ёгингарчилик республиканинг деярли ҳамма ҳудудида кам. Республикадаги асосий муаммолардан бири - чучук сув етишмаслигидир. Ёиллик ёгин дашт ва урмон-дашт (шимолда) зонасида 250-400 мм, чул ва чалачул зонасида 100-200 мм ни ташкил этади. Балхашбуйи, Оролбуйи, Қорақуми ва Устюртдан

жанубдаги худудларда 100 мм дан ҳам кам ёгин тушади. Тоголди ва тогли районларда йиллик ёгин 400 мм дан 1600 мм гача боради.

Козогистон тогликларида умумий майдони 2000 км.кв. атрофида булган 2700 дан ортик доимий музликлар мавжуд.

Козогистон Республикаси худудининг катталиги ва орографиясининг турличалиги, шунга боғлиқ равишда иқлимнинг кескин континентал булиши ер усти сувларининг таксимланишига ҳам таъсир курсатган. Козогистон худудида жами 85 мингга яқин дарё ва сойликлар булиб, шундан 226 тасинигина узунлиги 100 км дан ортик дарёларнинг аксарияти ички берк хавзалар, яъни Каспий ва Орол денгиз лари, Балхаш кули ва бошқаларга куйилади. Текисликдан оқадиган дарёларнинг купчилиги езда кумларга сингиб куриб қолади. Тогдан оқувчи дарёлар эса серсув ва гидроэнергияга бой. Козогистон худудидагиё дарё ва сойлардан бир йилда оккан сувнинг ҳажми 112 км кубга тенг. Жанубдаги дарёлардан асосан сугоришда фойдаланилади. Сирдарё, Иртиш, Или, Урал дарёларида кема катнови йулга куйилган. Кимё, металлургия саноатларини сув билан таъминлаш, чорва хайвонларини ичимлик суви билан таъминлаш – Козогистондаги асосий муаммолардан биридир. Шунинг учун сув омборлари куриш, саноат аҳамиятига эга булган каналлар казиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга, Козогистонда Экибастуз, Бузчакул, Караганда, Темиртау шаҳар саноатларини сув билан таъминлаш мақсадида Иртиш-Караганда-Жезказган канали казилган булиб, унинг узунли 500 км ни ташкил этади. Дарё суви 475 м баландликка кутарилади. Каналнинг чуқурлиги 4-6 м. ни, кенлиги 20-40 м ни ташкил қилиб, секундига 75 м. куб сув оқади. Келажакда бу канални Жезгазгангача етказиш режалаштирилган.

Козогистонда 48 мингдан ортик катта ва кичик қуллар булиб, уларнинг умумий майдони 45 минг кв км. Энг йирик қуллари – Балхаш, Зайсон, Олакул, Тенгиз, Сассиккул ва бошқалар. Лекин бу қулларнинг купчилиги шур қуллардан иборат. Булардан ташқари Козогистонда 4000 дан ортик сув омборлари ва ҳовузлар мавжуд. Яйловларда чорва хайвонларини сугориш мақсадида "черчелар", яъни епик сув омборлари курилади.

Козогистонда ёгингарчилик қамлиги ва чучук сув етишмаслиги сабабли ер ости сувларидан фойдаланиш яхши йулга куйилган. Республикада 7000 км. куб ер ости сувлари борлиги аниқланган.

Козогистон худудининг катталиги сабабли турлича тупроқлар тарқалган. Бу ернинг тупроқ қоплами учун зоналик ва баландлик минтақаланиш характерли. Шимолда 52° ш.к. гача қора тупроқлар, 52°-48° ш.к. орасида қаштан тупроқлар, ундан жанубда қуңгир ва бузқуңгир қул тупроқлари билан бирга қумли ва тақир тупроқлар тарқалган. Тогларда тоғ-қуңгир, Тог-қаштан, тоғ-қора тупроқлари, тоғ-утлоғлари қорамтир тупроқлари тарқалган.

Козогистон Республикаси айниқса Козогистон бурмали тоғлари Урал тоғлари сингари турли хил казилмаларга бой. Республика худудида қулаб қумир, нефть, минерал хом ашёлар, турли хил рудали бойликлар қонлари очилган.

Ёқилги-энергетика ресурслардан қумир ва нефтьнинг жуда катта захиралари ишга туширилган. Караганда, Экибастуз, Қендерлик хавзаларидан

Тошкумир, Макюбен, Убаган ва бошка хавзалардан кунгир кумир казиб олинади,

Караганда хавзасининг умумий геологик захираси 51 млрд. тоннага деб белгиланиб, катламлари калин - 1,3-1,5 м ни ташкил килади. Экибастуз хавзасининг умумий геологик захираси эса 12 млрд тонна хисобланиб катламлар ер юзасига якин жойлашганлигидан казиб олиш бирмунча кулай. Республикада казиб чиқарилган кумир узининг эҳтиёжинигина қондирмасдан балки Россиянинг Урал, Волгабуйи районларини, Марказий Осиё Давлатларини ҳам кумир билан таъминлайди.

Козогистонда нефть асосан Каспийбуйи пасттекичлигида Урал, Эмба дарё хавзаларида казиб олинади. Шунингдек Мангишлок ярим оролида ҳам йирик нефть қонлари борлиги аниқланган ва ишга туширилган.

Республикадаги дастлабки нефть қонларй Эмба районида 1911 йилда ишга туширилган. 1964 йили 1,6 млн тонна нефть казиб олинган бўлса, 1968 йили Мангишлокнефть қонларини ишга туширилиши натижасида бу курсаткич 7,4 млн тоннага етди. 1980 йилга келиб, Козогистон нефть казиб олиш буйича МДХ да Озарбайжонга тенглашиб, йилига 20 млн тонна нефть казиб олина бошланди. Ҳозирги кунда МДХ давлатлари ичида нефть казиб чиқариш ва қайта ишлаш буйича 3-уринни эгаллайди:

1. Россия
2. Украина
3. Козогистон
4. Озарбайжон
5. Туркменистон

Бугунги кунда республикада 25 млн тонна атрофида нефть казиб олинмоқда, Козогистон нефти енгил ва сифатли бўлганлиги билан ажралиб туради. Енгил нефтдан олинган ёнилги совук хароратларда ҳам қуйиклашмайди. Шунинг учун совук минтакаларда бундай нефтга эҳтиёж катта.

Козогистон рудали қазилмаларга бой. Козогистон бурмали тоғларининг марказий қисмларида, Тургай платоси ёки Кустанай областида жуда катта темир рудаси захиралари мавжуд. Козогистон темир рудасининг сифати яхши, Кустанай области ҳудудидан казиб олинган рудада 65 фоизгача, Марказий Козогистондан казиб олинган рудаларида эса 45-50 фоизгача темир бор.

Рангдор металл рудаларидан мис, кургошин, рух, олтин, қумуш, малибден, вольфрам ва бошқалар ажратиб олинади.

Олтой ва Жунгория Олатовида рангли металллар арлаш ҳолда учрайди. Кустанай областидаги бокситдан фойдаланиш асосида Павлодарда алюминий заводи ишга туширилган. Республикада мис казиб олиш ва қайта ишлаш олдинги уринларда туради. Мис казиб чиқариш ва қайта ишлаш қуйидаги 4 та регионда жойлашган

1. Жезлида казиб олинади, Жезгазганда эритилади
2. Балхаш ва Карсакнай районларида казиб олинади ва эритилади
3. Бузчакул районида казиб олинади, Павлодарда эритилади
4. Козогистон Олтойи районида казиб олинади ва эритилади

Кейинги йилларда республикада олтин казиб чиқариш тез ривожланиб бормокда. Олтин Козогистон Олтойида, Жанубий Уралда ва Курик улка районида казиб олинади.

Рангдор ва кора металлургия саноати чиқиндилари кимё саноати учун хом ашёдир. Бундан ташқари ош тузи, калий тузи, фосфорит казиб олинади, Республика худудида жуда катта фосфорит конлари мавжуд. Айниқса Каратау райони, Мугожар тоғлари фосфоритга бой. Каратау районида фосфорит казиб олинadиган 65 та кон бор.

Лекин Республикада чучук сув етишмаслиги муаммоси саноат тармоқларининг ривожланишига салбий таъсир курсатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Козогистон Республикасининг майдони ва аҳолисининг сони канча?
2. Географик урни халқ хужалигини ривожланишига кандай таъсир курсатади?
3. Козогистон ер усти тузилишига қисқача таъриф беринг.
4. Республика иқлимининг шаклланишига кандай омиллар таъсир курсатади?
5. Республика худиди бўйлаб ер усти сувлари кандай тақсимланган? Йирик дарё ва қулладини сананг.
6. Козогистонда ёқилғи-энергетика ресурсларининг кандай турлари тарқалган?
7. Козогистоннинг қайси қисмидан ва канча миқдорда нефть казиб олинади?
8. Қумир конларини айтинг ва картадан курсатинг?
9. Қора ва рангдор металлургия саноати хом ашёлари қаерлардан казиб чиқарилади?
10. Кимё саноати хом ашёларини айтинг ва картадан улар казиб олинadиган хавзларини курсатинг.

АДАБИЁТЛАР.

11. «Қазақстан» Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред. Н.Н.Пальгов. Москва «Мысль» 1970 г.
12. Раковский С.Н. «Современная политическая карта мира: структура и новейшие сдвиги.» География в школе, научно-методический журнал. 1992 г.
13. Максаковский В.П. «Географическая карта мира.» Ярославль. 1993 г.
14. А.Рузиев. «Марказий Осиё Давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси.» укув қулланма. Тошкент 2000 й.

6-МАЪРУЗА: КОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК УТМИШИ ВА АХОЛИСИ

РЕЖА:

1. Энг кадимги тарихи
2. Козогистон Россия таркибида
3. Козогистон мустиқ давлат
4. Аҳолиси

Козогистон ҳудудларида жуда қадимдан аҳоли яшаганлиги маълум. Археологик текширишлар натижасида Бухтарма дарё водийсида, Семипалатинск атофларида, республика шимолидаги Боёновул районида, жанубда Коратау атофларида ва бошқа жойларда дастлабки аҳоли манзилгоҳлари топилган. Бу аҳоли манзилгоҳлари палеолит яъни, қадимги тош асрга мансубдир. Бу аср муз босиш даври охирида бошланиб, 100 минг йилдан кўпроқ вақт давом этган.

Палеолитдан сўнг неолит, яъни янги тош асри бошланди. Бу вақтда Козогистон ҳудудларида чорвачилик ва деҳқончиликнинг дастлабки қурилишлари шакллани бошлади. Ибтидоий одамлар қамон, найза қабил қуроллардан фойдаланиб ов қилишни ургандилар. Ҳозирги Козогистон ерларида 200 дан ортиқ неолит даврига оид аҳоли манзилгоҳлари топилган бўлиб, улар республиканинг деярли барча областларида учрайди.

Бронза даврига қелиб, Олтой ва Марқазий Козогистондаги аҳоли чорвачиликдан ташқари, руда қазиб олиш ва эритиш билан ҳам шугулланганлар. Бронза асри охиридан эраизга қадар ги I - минг йилликда қабилалар қучманчи чорвачиликка ўта бошлади. Қадимги форс ва юнон ёзма манбаларида бу қабилалар "саклар" деб аталган. Улар жуда катта ҳудудларни эгаллаб, ҳозирги Ёттисув атофлари ва Сирдарё хавзаларида яшаганлар. Сак қабилалари асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шугулланганлар. Козогистоннинг шимолий-ғарбида «савроматлар», Каспий бўйларида "каспий" лар қабил қабилалар яшаганлар.

Эраиздан олдинги IV ва III аср бошларида Козогистон ҳудудларида янги қабил иттифоклари - усун, қанги, алан қабилар шаклланди. Усулар Балхаш қули ва Тяньшань тизмалари ўртасидан ерларда, қангилар Коратау атофлари ва Сирдарёнинг ўрта Оқимларида, аланлар ғарбдаги даштларда яшаганлар.

Секин аста ибтидоий жамао тузуми ўрнини феодал муносабатлар эгаллай бошлади, VI-XII асрларда Козогистоннинг катта ҳудудларида дастлабки феодал давлатлар вужудга қелди. VI-аср ўрталарида Турк ҳақонлиги, VIII аср бошларида Или ва Чу дарёлари Ораллидаги ҳудудларда турғашлар, 766 йилларда Қарлуклар давлати ташқил топди. Феодал муносабатлар айниқса, республика жанубидаги Ўтрок аҳоли шаклланиган районларда тез ривож топди. Ўша ўзқк ўтмишдаёқ жанубий Козогистон ерларида Ўрта Осиёни ва у Орқали Византия ва Хитойни боғлаб турувчи йирик савдо йули -"Бўйқ ипак йули"

утган. Бундан ташкари Сирдарёнинг унги киргокларидан Республика жанубий районларини оролбуйи ва жанубий Урал билан боғловчи савдо йуллари, Марказий Козогистон ва Олтой оркали Сибирнинг жанубий-ғарбий районларига бориладиган савдо йуллари муҳим аҳамият касб этган. Бу йулар устида савдо-хунармандчилик шаҳарлари, қарвон-саройлар ва бошқа манзилгоҳлар вужудга келди, Масалан, Утрор (фароб), Усфижоб (сайрам), Сюткент, Сирнок, Сауран ва бошқалар. Талас водиисининг асосий маданият ва савдо маркази сифатида Тарас (Жамбул) шаҳри вужудга келди. Бу шаҳарларнинг қўчилигида фан ва адабиёт гуллаб яшнади. Дунё адабиёти ва фанга ҳисса қўшган олимлар етишиб чиқди. Масалан, 870-950 йилларда Утрорда яшаб ижод қилган файласуф Абу Наср Фаробий Аристотелнинг фалсафага оид асарларини турк тилидаги таржимасини яратган. Маҳмуд Қошғори узининг "Девону лугату турк" номи 3 томлик асарида турк тили фольклорлари тарих маданият ва қабилалар этнографияси, умуман марказий осий халқлари тугрисида бой маълумотлар қўлдирган.

1218 йилларда Еттисувга Чингизхон бошчилигидаги мугил қўшинлари бостириб келди. Улар Козогистоннинг ҳамма ерларини эгаллаб Урта Осийга ҳам юриш бошланди. Натижада бутун Марказий Осий мугил империяси таркибига қиритилади. Мугил хонлиги 200 йил атрофида ҳукм суради. Унинг маркази Олтин Урда эди.

Мугул босқинчиларига қарши қўлаб халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди, булар натижасида феодаллар уртасидаги ўзаро низолар мугил империясининг инкирозга ўчрашига сабаб бўлди.

XV аср 2-ярмида дастлабки Қозоқ хонликлари вужудга келди. Қозоқ халқининг этник асосини ташкил қилувчи қадимги қабилаларнинг ҳаммаси бир-бирига тушунарли турк тили шеваларида сузлашганлар ва қўманчи қорвачилик билан шугулланганлар. Улар қадимдан 3 та алоҳида географик районда ҳужалиқ қўритганлар яъни Еттисув, марказий Козогистон ва Ғарбий Козогистон.

Ҳозирги Козогистоннинг жануби, ва жануби-шарқида қўманчилик билан ҳаёт кечирган қабилалар Қатта Қўз: Козогистоннинг Марказий қисмини - Ишим ва Иртиш дарёларидан жанубда Қу ва Сирдарёгача бўлган ерларни эгаллаган қабилалар Урта Қўз; Урални қап қиргокларидан Мангишқоқ қрим-ороли ва Устюртгача бўлган ерларни Қичик Қўз деб аталган.

Қабилалар умумий бўлган душанни енгилш ёки қўшни ерларни босиб олишда бир иттифокка бирлашганлар. Бу ўччала Қўзда ҳам ҳужалиқнинг асосий тармоғи ҳайдаб беқиладиган қорвачилик бўлган. Улар қатта ҳудудларга эга бўлганликлари ва аҳоли қам бўлганлиги ўчун йил бўйи қорва моллари билан бир қйловдан бошқасига қўиб юриш қўлай бўлган. Қозоқ қабилалари овуллари бидан ёки бир нечта овуллар қуруҳи билан асосан меридианал йуналишда қўиб қўрганлар. Қўнки мавсумий қйловлар шу йуналишда шимолдан жанубга томон алмашилиб келади.

XV-XVII асрда қозоқлар ер ишлаш билан деярли шугулланмаган, деҳқончилик ўчоқлари асосан сугариладиган ерларда Сирдарё ҳавзаси, Талас, Қув водийлари ва Тяншан этақларида, Иртиш вадийси ва Зайсон

котловинасидаги кадимги дехкончилик ерларида жойлашган. Жанубий районларда дехкончилик билан шу ерда яшовчи узбеклар шугулланганлар. Олтой этакларида ва бошка тогли районларда яшовчи аҳоли руда казиб олиш ва металл эритиш билан шугулланганлар. Улар мис кургошин, кумуш каби металлрдан турли идишлар, куроллар ва такинчоклар ясаганлар.

XVII асрга келиб, Жузлар мустакил хонликларга айланган. Хонликларда доимо узаро урушлар ва низоларнинг юза келиши иктисодиёт ва маданиятнинг усишига каршилиқ киларди. Козокларнинг харбий мудофалари кучсизлашиб борарди. Бу вақтда XVII асрларда гарбий Муғилистонда вужудга келган Жунгория хонлиги Козок ерларини эгаллаб олишга харакат килади. Жунгория феодалларининг Козогистон ерларига хавфи XVII асрнинг 40-йилларидан бошланган. Лекин XVIII асрнинг 20 йилларида жуда катта куч билан Жунгорияликлар бостириб кела бошлайди. 1723-27 йилларида улар Катта ва Урта Жузнинг деярли хамма худудларини босиб оладилар. Босиб олинган ерларда аҳолига катта микдорда солиқ солишар, буйсунмаган кишиларни беаёв жазолар эдилар. Жанубий районлардан минглаб козок овуллари Эмба, Урал, Илек дарё буйларига кучиб кетишади. Жанубда Хива ва Бухоро феодалларининг тазийки кучаяди. 1726 йили Абулхайирхон Кичик Жуз оксоколлари номидан Россия подшошига фуқороликка олишни сураб мурожаат килади. 1731 йили февралда расмий равишда Кичик Жуз Россияга уз ихтиёри билан кушилади. Шу йилнинг охирларида Урта Жуз хони Селеке ва аҳолиси 1740-42 йилларда бу Жузнинг бошка уруглари хам Россия таркибига уз ихтиёри билан кушиладилар.

Шу йилларда Катта Жуздан факат 4 уруг Россияга кушилган. Натижада кейинги ун йил ичида бу ерлар жунгорияликларга кейин Хива, Кукон хонликларига қарам булади. Россия Козогистонга тобора чуқурроқ кириб бориш мақсадида подшоҳлик ҳукумати истехкомлар линиясини кучайтирди. XVIII аср урталарида бу тизим Яика (Урал) дарёси буйлаб чузилди. Яика (Уралск) шаҳридан Гурьевгача, Иртиш буйлаб Омскдан Симипалатинск ва Уст-Каменогорскгача чузилди. XVIII асрнинг 60-70 йилларида баъзи истихкомлар савдо ривожланган марказларга айланди. Масалан, Оренбург, Уралск, Гурьев Петроповолск, Троицк, Семипалатинск кабилар шулар жумласидандир. XVII аср 70-80 йилларида рус рудасозлари томонидан, кумуш, кургошин, рудалари Козогистон бурмали тоғларидан, Олтой районида топилди. Аср охирларида Бухтарма, Рибер, Зирянов конлари ишга туширилди. Бу конларда асосан ссилка килинганлар заводга руйхатга олинган крепостной дехконлар ишларди. Кучиб келган дехкондар билан биргаликда. Козоклар хам ер ишлаш билан шугуллана бошладилар.

1822 йили Урта Жузда, 1824 йили Кичик Жузда хам хон ҳукумати тугатилди. Жузларда худудлар округларга, округлар волостларга, волостлар овулларга булинди. 20-30 йилларда Хива ва Кукон хонликларининг тажовузи кучайди. XIX аср бошларидаёқ Кукон хонлиги Катта Жузнинг Гарбий қисмларини эгаллаб ола бешлади. Гарбий Узун Оғочдан Чимкент, Туркистон, Сайрам Авлиё Ота, шунингдек, Урта Жуз кучманчилари қароргоҳларини, Тошкентдан Арис дарёсигача булган ерларни эгаллайди. Бу вақтда Хива

хонлиги Сирдарёнинг куйи кисмларини ва Орол буйларини, Устюрт, Мангишлок ярим оролини эгаллашга ҳаракат қилди.

Маълумки, Чор Россияси ва Англия уртасида Марказий Осиёни эгаллаш учун кураш олиб борар эди. Англия мустамлакачилари Хива ва Кукон хонликлари ёрдамида Козогистон ерларини Россиядан ажратиб олиб, уз мустамлакасига айлантиришга ҳаракат қилади. Россия таборо Козогистон ичкарисига кушинлар билан кириб бора башлади. Россия кушинлари уч йуналишда юриш бошлайди.

1. Шимолий гарбдан орол денгизи ва куйи Амударёга;
2. Шимолдан шакдан Еттисув ва шарқий чегараларга
3. Шимолдан Марказий Козогистонга;

Рус кушинлари 1853 йили Орол денгизи томон силжиб Кукон хонлигига қарашли Окмачит (Хозирги Кизил Урда) ни эгаллайди. 1854 йили Верный (Алмати) истехкоми қурилди. Бу пайитда Козокларнинг подшоҳлик тизимига қарши бош қутариш қучайди.

1857 йили Сирдарё буйидаги козоклар, кейинрок Мангишлок дехконлари стихияли равишда тузимга қарши исён қилади. Лекин улар кушинлар томонидан бестирилади.

1866 йил бошларида Россия ва Англия уртасида Марказий Осиё учун кураш жуда қучайди. Англия ҳар томонлама Россиянинг Урта Осиёга кириб келишига қаттиқ қаршилиқ қурсатди. 1864 йили подшо кушинлари Кукон хонлигига қарши юриш бошлайди. Қиска вақт ичижа Чу водийсини ва Кукон хонлигига қарашли Мерке, Авлиё Ота, Туркистон, Чимкент, қалаъларини эгаллайди. Шундай қилиб Козогистон ерлари бутунлай Россия таркибига қиритилади.

Козогистоннинг қупгина жойларида қуролли курашларсиз совет ҳокимияти урнатилган. Лекин, Баъзи ерларда масалан, Верный, Семипалатенск, Уральск каби шаҳарларда қаттиқ жанглар билан ҳукумат советлар қулига утди. 1920 йили Еттисувда ок гвардиячилар тор-мор қилинди. Лекин, шу йил июнда контрреволюцион қучлар, Верныйда исён қутаради. Исён қизил армия томонидан бостирилади. 1920 йили Қирғизистон автоном республикаси (ССР) ташкил топди. Унинг пойтахти этиб Оренбург шаҳри белгиланди. Бунга ҳозирги Козогистон ва Қирғизистон ерлари қиритилган. 1925 йил апрелда Козогистон советларнинг V съездида козок халқининг тарихий номланишини тиклаб республикани Козогистон АССР деб аталди. Пойтахти Оренбургдан қизил Урдага қучирилди. 1928 йили бутун СССР да районлаштириш утқазилиши муносабати билан Козогистонда губерния ва уездлар бекор қилиниб, округ ва районларга бўлиш жорий қилинди (1929 й). 13 округ бўлган. 1929 йил боҳорда пойтахт Олма-ота шаҳрига қучирилди. 1936 йили қабул қилинган СССР конституциясига мувофиқ Козогистон иттифокдош республикасига айлантирилди. Уруш йилларида СССР нинг гарбий районларидан 140 дан ортиқ йирик саноат қорхоналари ва 1 млн. дан ортиқ қишилар Козогистонга эвакуация қилинди.

1991 йил Козогистон республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди ва 25 сентябр мустақиллик қуни сифатида нишонланди.

АХОЛИСИ

Аҳоли жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Хар бир мамлакат халк хужалигини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришда аҳолининг сони, таркиби, такрор барпо килиниши режими, ишлаб чиқариш малакалари, миграцион ҳаракати, жойланиши каби хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга.

Қозоғистон республикасининг 1997 йил маълумотларига қура 16,4 млн. киши Марказий Осиё Давлатларида аҳоли сонига қура /Ўзбекистондан кейин 2 урин/, МДХ да эса 4 уринни эгаллайди.

Аҳолининг сон жихатидан усиши унинг такрор барпо килиниши ҳамда механик ҳаракати билан боғлиқ. Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари республика аҳолисига оид расмий ҳужжатлар жуда кам. Шунингдек, халқ турмуш даражасининг ва медицина хизматининг пастлиги туфайли аҳоли сонининг усиши анча суст борганлиги маълум.

1897 йили республикада 4333 минг киши яшаган бўлса, бу курсаткич 1926 йили 6025 минг кишини, 1950 йили 9295 минг кишини, 1975 йили 14168 минг кишини, 1995 йили 16,9 млн, 1997 йили эса 16,4 млн кишига етди. Охириги йилларни солиштирсак Қозоғистон аҳолиси 0,5 млн. га камайганлигини қуриш мумкин. бу купрок рус миллатига мансуб аҳолининг қуриб кетиши билан боғлиқ. 1897-1997 йил (100 йил) лар оралигида республика аҳолиси 12 млн. кишига қурайган. Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Қозоғистонда ҳам табиий усиш юқори. Масалан, 1940 йили хар минг киши ҳисобига тугилиш 41,1 кишини, улим 21,6 кишини ташкил қилиб, табиий усиш 19,5 кишини ташкил этган. 1970 йили мос равишда тугилиш 23,3 улим 6,0 табиий усиш 17,3 ни ташкил этган. Юқоридагилардан қуришиб турибдики 1940-70 йиллар мобайнида табиий усиш 2,2 кишига камайган. Бу унчалик юқори курсаткич эмас, лекин шу йиллар мобайнида тугилиш курсаткичи 17,4 киши (42%) га камайган. Демак, табиий усишнинг юқорилиги улим курсаткичининг камайиши ҳисобига бўлган. Ҳозирги кунда эса, республикада тугилиш 19 кишига (1000 киши ҳисобига) улим 9 кишига табиий усиш эса 10 кишига тугри келади.

Қозоғистон куп миллатли мамлакат. Бу ерда қозоқлар билан бирга руслар, украинлар, ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар, тожиклар, уйғурлар, қорейслар, немислар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Умуаҳолининг таркибида ерли аҳоли – қозоқларнинг қамлиги билан ажралиб туради. Маслан, республика умуаҳолисининг миллий таркибида 1926 йили қозоқлар 57% ни, 1959 йили 30% ни, 1970 йили 33% ни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда эса 50% дан купрогини ташкил этади. Қозоғистон Марказий Осиё Давлатлари ичида шаҳар аҳолиси салмогининг қуплиги билан ажралиб туради. 1926 йили республика умуаҳолисининг 9% шаҳарларда яшаган бўлса, бу курсаткич 1970 йили 50% га, 1991 йили 57,6% га етди.

Қозоғистонда дастлабки шаҳарлар русларнинг Марказий Осиёга қуриб келиши билан боғлиқ равишда пайдо бўлди. Уральск, Павлодар, Петропавловск, Семипалатинск, Ўсть-Қаменоагорск қабилар шулар жумласидандир. Олма-Ота шаҳри эса шу номли овул урнида барпо этилган Верхний истехкоми урнида вужудга келди.

Республика худудида аҳоли нотекис таксимланган. Аҳолининг асосий қисми республиканинг жанубий, шимолий ва шарқий қисмларидаги, асосан аҳоли қадимдан яшаб келаётган районларида жойлашган. Республика буйича аҳолининг ўртача зичлиги 6 кишини ташкил қилади. Бу курсаткич республиканинг турли областларида турлича: Олма-Ота областида 20,5 (ҳар кв км майдонга), Карагандада 11,4 киш, Шарқий Қозогистон областида 9,8 киши, Қўстанайда 9,4 кишини ташкил қилади. Баъзи областларида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар кв км майдонга жуда озчиликни ташкил қилади. Масалан, Жезқазған областида 1,6 киши, Мангишлок областида 2,0 киши ва ҳоказо.

Республика пойтахти – Остона (илгариги Целиноград) шаҳрида 1 млн га яқин аҳоли яшайди. Йирик шаҳарлари Олма-Ота, Караганда, Чимкент, Жамбул, Павлодар, Петропавловск ва бошқалар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Қозогистондаги қадамги аҳоли манзилгоҳлари, усунлар, қангилар, аланлар, саклар. Дастлабки феодал давлатлар, буюк ипак йули, Утрор, Исфижоб, Сигноқ, Сайрам, Катта Жуз, Кичик Жуз, Урта Жуз, Яика, Окмачит, Верхний, аҳолини сон жиҳатдан усиши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Археологик текширишлар натижасида Қозогистоннинг қайси қисмларидан қадимги тош асрига оид аҳоли манзилгоҳлари топилган?
2. Қозогистон ҳудудларида яшаган қарводор қабилалар қайси даврлардан бошлаб руда қазиб олиш ва эритиш билан шугилланганлар?
3. Муғул босқинчилари Қозогистон ҳудудларига қачон бостириб келганлар?
4. Дастлабки мустақил қозоқ хонлиқлари нечанчи асрларда вужудга келди ва улар нима деб аталган?
5. Нима учун жузлар Россияга уз ихтиёри билан қушилишни афзал қурдилар?
6. Қозогистон ССР қачон ташкил топди ва қачон мустақил давлатга айлантирилди?
7. Қозогистон аҳолисининг сони қанча?
8. Умиаҳолининг неча фоизи шаҳарларда яшайди?

АДАБИЁТЛАР

1. Қазақстан. Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред. Н.Н. Пальгов. Москва «Мысль» 19970 г.
2. Ўзбекистон энциклопедияси, Тошкент. 1980 й. 13-том.
3. Ежегодник. Москва 1987 г.
4. «Население и общество» август 1997 г.

МАВЗУ : КОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ САНОАТИ ВА УНИНГ ЖОЙЛАНИШИ.

РЕЖА.

1. Умумий таъриф.
2. Ёкилги – энергетика саноати комплекси.
3. Рангли металлургия саноати.
4. Кора металлургия саноати.
5. Машинасозлик ва металлни кайта ишлаш саноати.
6. Химия саноати.
7. Енгил ва озик- овкат саноати.

Козогистон – индустриал-аграр мамлакат. Республикада ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 51%и саноатга, 19%и қишлоқ хўжалигига тугри келади. Козогистон саноатининг етакчи тармоқлари нафакат республика, балки МДХ аҳамиятига эгадир. Булар қумир ва нефть саноати, рангли ва кора металлургия, сульфат кислота ва суперфосфат ишлаб чиқариш, ихтисослашган озик-овкат саноати тармоқлари, жумладан дон етиштириш ҳамда гушт ва гушт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, гушт-юнг чорвачилиги қабилардир.

Хозирги кунда Козогистон йирик чорвадор республика бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи деҳқончиликдир. Козогистон ҳам ашё, ёкилги ва озик-овкат билан бирга, тайёр саноат маҳсулотлари, биринчи навбатда, тоғ-қон ва металлургия жихозлари, пресс-автоматлар, экскаваторлар, минерал угитлар, рентген аппаратлари ва бошқалар экспорт қила бошлади. Эндиликда турли хил рангли металллар, хромит рудаси, темир қотишмалари, турли хил насослар, тарози, фрикцион(чигирик) пресслар, медикаментлар, металл қузадиган станоклар, конденсаторлар, дон, гушт консервалари, мўйна қабиларни 100 га яқин мамлакатларга экспорт қилади.

Козогистон саноатининг характерли томони шундаки, саноат ҳам ашё ва ёкилги билан тула таъминланган. Юқорида айтилганидек, Козогистон йирик қумирва нефть, рангли ва кора металллар, химия ҳам ашёлари, қурилиш материаллари ва бошқа оғир саноат тармоқларини ривожлантириш учун зарур бўлган ресурсларга бой. Республиканинг қуп тармоқли қишлоқ хўжалиги енгил ва озик-овкат саноатини ҳам ашё билан таъминлайди. Ҳом ашё ресурсларининг турли-туманлиги Козогистон саноат структурасида акс этган. Республикада истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш билан бирга, ишлаб чиқрайш қуроллари ишлаб чиқариш ҳам яхши ривожланган. Хозирги кунда республика ялпи саноат маҳсулотининг 60% дан қупроғи ишлаб чиқариш қуроллари ишлаб чиқариш тармоқларига тугри келади.

Козогистон саноати яна таркибида қазиб олувчи саноат тармоқларининг қуплиги билан ҳам ажралиб туради. Хозирги кунда республиканинг ҳамма областларида саноатнинг Ўзбекистон ёки бу тармоғи ривожланган. Лекин

йирик саноат марказлари Марказий, Шаркий ва Жанубий Козогистондаги кумир, мис, кургошин, рух, фосфорит каби конлар якинида жойлашган.

Республика ёкилги-энергетика ресурслари куп ва турли-туман, бу : кумир, нефть, табиий газ, ёнувчи сланец ва гидроэнергиядир. Ёнувчи казилмаларнинг геологик захираси 115 млрд.т. шартли ёкилги, гидроэнергия ресурслари эса 17,6 млрд кВт/с (уртача йиллик ишлаб чиқариш) деб белгиланган. Кумир биринчи навбатда Марказий ва Шимолий Козогистонда, нефть ва газ Гарбий Козогистонда, гидроэнергия ресурслари эса Жанубий ва Шаркий Козогистонда жойлашган. Козогистон ёкилги-энергетика комплексида асосий урин кумир ва нефть казиб олиш, электр энергияси ишлаб чиқаришга тугри келади. Республикада йилдан-йилга нефть ва табиий газ казиб олиш ортиб бормокда. Лекин энергетика ресурсларининг асосий тури кумир булиб колмокда. Республика умумий ёкилги балансида кумир 70%ни ташкил этади. Хозирги кунда Козогистонда тошкумир ва кунгир кумирнинг 400 дан ортик конлари очилган. Улардан 100га яқинининг умумий захираси 140 млрд.тонна деб белгиланган. Кумир захиралари ва уни казиб чиқариш буйича Козогистон МДХда Россия ва Украинадан кейин 3-уринни эгаллайди. Инкилобга кадар Козогистонда кумир казиб олиш саноат даражасида булмаган. 1913 йили Караганда ва Ёкибастуз шахталаридан 90 минг т. кумир казиб олинган, Кумир саноати республикада 1930 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Бу вақтда Россияда Урал-Кузнецк комбинати қуррилиб, унга коксланувчи кумирни Караганда етказиб берарди. Республиканинг асосий ёкилги базаси Караганда хавзаси булиб, унинг геологик захираси 51 млрд.т. деб белгиланган. Бу ерда казиб олинган кумирнинг ярми республикадаги рангли ва кора металлургия корхоналарида, ИЭСларда ва коммунал хужаликда ишлатилади. Кейинги йилларда Остона-Павлодар темир йулининг қурилиши Ёкибастуз кумир хавзасининг тез суръатларда усишига олиб келди. Бу хавзанинг умумий геологик захираси 12 млрд.т. деб белгиланган. Бу ердаги кумир катламлари ер юзасига яқин жойлашганлиги учун бу ерда казиб олинган кумир анча арзонга тушади. Ёкибастуз кумири коксланмайди, лекин арзон ёкилги хисобланиб, ИЭСларда ишлатилади. 1990 йили Ёкибастуз кумирдан фойдаланиб, Ермак ИЭСида ишлаб чиқарилган 5 кВт/с электр энергиясининг нархи 1 тийинга тугри келган.

Нефть казиб олиш Козогистонда 60-йилларга кадар анча сустривожланди. Республикадаги ягона нефть райони Ёмба хавзаси булган. Унинг конлари унчалик йирик эмас. Лекин Ёмба нефтининг ахамияти шундаки, нефть таркибида олтингугурт ва парафин кам, ундан юкори сифатли бензин ва бошка махсулотлар олиш мумкин. 1965 йили Мангишлокдаги Жетибай ва Узен конларининг узлаштирилиши натижасида нефть казиб олиш кескин кутарилди. Шунингдек, Тенге, Тасбулат, Карамандибас каби янги конлар ишга туширилди. Узен – Жетибай- Шевченко, Узен – Гурьев нефть кувурлари утказилди.

Энергетиканинг энг ёш тармоги газ саноатидир. 1969 йили 680 млн.м.куб газ казиб олинган булса, хозирги кунда 7,1 млрд.м.куб газ казиб олинмокда. Козогистонда табиий газ факат Мангишлок яриморолида ва Устюртда казиб олинади. Шунингдек, Тургай чуқмаси ва Чу водийсида ҳам газли катламлар

борлиги аниқланган. Табиий газнинг умумий геологик захираси 3 трлн.м.куб деб белгиланган.Шуни айтиш лозимки, Козогистон узининг газга булган эҳтиёжини тула кондиролмайди, шунинг учун Ўзбекистондан Бухоро – Тошкент – Чимкент – Жамбул ва Бухоро – Урал магистрал газ қувурлари орқали газ сотиб олади.

Козогистонда 3 хил йул билан электр энергия олинади, яъни, ИЭСларда, ГЭСларда ва АЭСда электр энергия ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 805 и ИЭСларда ишлаб чиқарилади. Иэслар асосан Караганда, Экибастуз қумирлари ва нефть чиқиндисиди мазут ҳисобига ишлайди. Шевченко шахрида Марказий Осиёдаги ягона АЭС жойлашган. Шарқий ва Жануби-Шарқий Козогистонда асосан ГЭСларда электр энергия ишлаб чиқарилади. Иртиш дарёсида Усть-Каменогорск ва Бухтарма ГЭСлари, Сирдарёда Чордара ГЭСи, Илида Капчигай Гэси ва бошқалар қурилган.

Республикада ишлаб чиқарилган электр энергиянинг 70% дан ортиқроғи саноат эҳтиёғи учун сарфланади. Айниқса, электр энергияни рангли металлургия қўп талаб қилади. Мамакатда рангли металлургия 1928 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Козогистон рангли металлургиясининг асосини мис ва полиметалл рудаларини қазиб олиш, ва бойитиш, қурғошин, рух, мис эритиш ва рангли прокат ишлаб чиқариш қабилар ташкил этади. Йирик Балхаш тоғ-қон металлургия қўбинати Европа аҳамиятига эга. Ўзбекистон Қўнгирот мис рудаси ва қисман Жезқазған рудаси ҳисобига ишлайди. Лекин ҳозирги қўнда бу гигант қўрхона учун ҳом ашё етишмайди. Шунинг учун Саяк қишлоғида мис қўнлари узлаштирилмоқда.

Иртиш ва Қарсақпайда ҳам мис эритиш заводи бор. Қарсақпай заводи Жезқазған рудаси ҳисобига, Иртиш заводи эса Олтой руда фабрикасида бойитилган мис қўнцентратлари ҳисобига ишлайди.

Жезқазғанда тоғ-қон металлургия қўбинати (мис эритиш заводи билан) ҳам рангли металлургия қўрхоналаридан биридир.

Полиметалл саноати Олтой ва Жанубий Козогистонда ривожланган. Чимкентда қурғошин эритиш заводи бор. Уни Мирғалим ва Байжан қўнлари, шунингдек, Текели, Қўқув қўнлари руда билан таъминлайди. Козогистонда никкель, қалай, сурма, молибден, ванадий, вольфрам қабиди нодир металлар қўнлари ҳам очилган бўлиб, улар республиканинг марказий ва шарқий қисмларида ва Мўғожар районида жойлашган. 1960 йилларда республика рангли металлургиясида янги тармоқлар – алюминий ва глинозём, титан ва мағний ишлаб чиқариш вужудга қелди. Бу тармоқлар Павлодар ва Усть-Каменогорскда жойлашган.

Қўра металлургия саноати республика саноатининг энг ёш тармоқларидан биридир. Уасосан 2-жаҳон уруши йилларида қўрдан қўчириб қелтирилган. Дастлабки қўра металлургия қўрхоналари Ақтўбинск темир қўтишмалари заводи ва Темиртау заводи (металлом ва Атасу рудаси ҳисобига ишлайди)дир. 1940 йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларида Қўстанайда темир рудасининг жуда қатта захираси топилган бўлиб, руда тарқибиди 65% гача темир қўрлиғи аниқланган. Ҳозир республикада 30 дан ортиқ темир қўнлари ишга туширилган, уларнинг захираси 16 млрд.т.деб белгиланган. Темир рудаси

Козогистонда асосан 2та область – Караганда ва Кустанайда тупланган булиб, кумир хавзаларига, марганец, утга чидамли лой каби уларни комплекс узлаштириш учун зарур булган конлар якинида жойлашган. Йирик кора металлургия корхоналари – Соколов-Сарбай комбинати ва тулик цикли Караганда металлургия заводи. Соколов-Сарбай комбинати Кустанай темир конлари асосида ташкил топган. Комбинат республикада ва кушни давлатларнинг машинасозлик ва металлни кайта ишлаш саноатларини металл билан таъминлайди ва темир йул рельслари, трубалар ҳамда бошка прокатлар ишлаб чикаради. Кустанайда Лисаковск ва Кочарский тог-кон бойитиш комбинати бор.

Павлодар жанубида, Ермакда Марказий Козогистоннинг темир, титан, марганец рудалари асосида темир ва кремний котишмалари ишлаб чикарадиган завод ишга туширилган.

Машинасозлик саноати ҳам асосан 2-Жахон уруши йилларида собик СССРнинг Европа қисмидан эвакуация қилинган заводлар ҳисобига вужудга келди. Машинасозлик корхоналари мураккаб ва металлни куп талаб қиладиган машиналар, тог-кон саноати, кумир, нефть ва металлургия саноатлари учун асбоб-ускуналар, электротехника, кишлок хужалиги, қурилиш ва транспорт учун машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чикаради. Оғир машинасозлик марказлари сифатида Караганда, Алмати, Усть – Каменогорск, Гурьев қабиларни санаб утиш мумкин. Улар асосан металлургия заводлари якинида жойлашган. Усть-Каменогорскда рангли металлургия учун асбоб-ускуналар, Гурьевда нефть саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Чимкентда йирик пресс автоматлар ишлаб чиқариш заводи, Кентауда экскаватор заводи бор. Остона ва Павлодарда кишлок хужалиги машинасозлиги ривожланган булиб, бу ерда кишлок хужалик ишлаб чиқариши тармоклари ҳам яхши ривожланган. Йирик темир йул тугунлари – Алмати, Остона, Чимкент қабиларда авторемонт, вагонремонт, шиноремонт заводлари бор. Ақтўбинскда рентген аппаратуралари ишлаб чиқариш, Усть- Каменогорскда конденсатор, Чимкентда электроаппаратуралар, Алматида электромеханика заводлари, Семипалатинскда кабель заводи каби электротехника машинасозлиги тармоклари жойлашган.

Козогистонда химия саноати ҳам асосан уз хом ашёси ҳисобига ишлайди. Фосфорит, барий, бром, калий, ош тузлари, натрий сульфат, нефть маҳсулотлари, таркибида олтингугурт булган газлар, коксхимия чиқиндилари, рангли металлургия чиқиндилари қабилар химия саноатининг хом ашёларидир. Козогистон химия саноати 80 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Масалан, минерал угитлар, олтингугурт кислотаси, синтетик каучук, кальций карбид, сунъий тола, дори-дармон препаратлари ва бошқалар. Кейинги йилларда чорва моллари учун ем-хашак антибиотиклари, полиэтилен, гербицидлар, амофос қабилар ишлаб чиқариш узлаштирилди. Коратунинг шарқий ёнбағирларида катта захирага эга булган фосфорит конлари асосида Коратау шаҳридаги тог-химия комбинатида фосфорит уни олинади. Ақтўбинск химия комбинатида суперфосфат угитлар ишлаб чиқарилади. Чимкентда фосфор тузи ишлаб чиқариш, Усть-Каменогорскда кургошин-рух комбинатида,

Балхаш мис эритиш комбинатида гидрометаллургия жараёнларида ҳосил булган олтингугурт газидан ҳам махсус цехларда олтингугурт кислотаси олинади. Химия саноатининг эски тармоқларидан бири Чимкент химия-фармацевтика заводи булиб, бу ерда сантонин, морфин, эфедрин каби препаратлар ишлаб чиқарилади.

Енгил ва озик-овкат саноати йирик шаҳарлар билан бирга кичик аҳоли пунктларида ҳам ривожланган. Бу тармоқлар куп турли кишлоқ хужалиги маҳсулотларини қайта ишлайди. Республикада чорвачилик қадимдан ривожланган тармоқ булганлиги учун бу ерда озик-овкат саноатининг етакчи тармоғи гушт саноатидир. Ўзбекистон озик-овкат саноати ялпи маҳсулотининг 30%га яқинини беради. МДХда Қозоғистон гушт ишлаб чиқариш бўйича Россия ва Украинадан сунг 3-уринда туради. Гушт саноати республика ҳудудида деярли бир текисда жойлашган. Энг йирик гушт комбинатлари Семипалатинск, Уралъск, Алмати, Петропавловск шаҳарларида жойлашган. Ҳозир Қозоғистонда 40 дан ортиқ гушт комбинатлари бор. Ун тортиш асосан дончилик районларида ривожланган. Петропавловск, Қўстанай, Ўстона, Қарағанда, Семипалатинск, Алмати қабиларда йирик ун тортиш тегирмонлари жойлашган. Қизил Ўрдада шоли оқлаш, Алмати, Толди Қўрғон, Жамбул областларида қанд-шақар ишлаб чиқариш ривожланган. Бу ерларда 10 га яқин қанд – шақар заводлари бор.

Қаспий шимолидаги Гўрьев шаҳрида, Балхаш, Зайсан қўллари бўйидаги шаҳар ва районларда қалиқ консервалаш комбинатлари бор.

Енгил саноат қорхоналари асосан йирик шаҳарларда – Алмати, Чимкент, Семипалатинскда жойлашган. Республика ялпи саноат маҳсулотининг 16% га яқинини енгил саноат тармоқлари беради. Юнғ ювиш, йиғириш, тери ошлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, ип газлама ишлаб чиқариш қабилар яхши ривожланган. Мўйна ишлаш бўйича (ондатра, нутрия, тулки, бўри қўён ва бошқалар) Қозоғистон МДХда Россиядан сунг 2-уринда туради.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Ёқилғи-энергетика комплекси, нефть саноати, қўмир саноати, газ саноати, металлургия комплекси, қора металлургия, рангли металлургия, мис саноати, полиметалл саноати, машинасозлик саноати, химия саноати, енгил саноат, озик-овкат саноати.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Қозоғистонда саноатни жойлаштириш ва ривожлантиришга қандай омиллар таъсир қўрсатади?
2. Республика ёқилғи-энергетика комплексида қайси тармоқ устун ривожланган?
3. Нефть қонлари республиканинг қайси қисмида жойлашган? Қозоғистон нефть қазиб олиш бўйича МДХда нечанчи уринни эгаллайди ва йилига қанча нефть қазиб олинади?

4. Козогистонда қора металлургия саноатининг қандай хом ашёлари бор ва улар қаерлардан казиб олинади?
5. Рангли металлургиянинг маркаслари қаер? Нима учун рангли металлургия қорхоналари айнан шу ерларда жойлашган?
6. Республика озик-овқат саноатида қайси тармоқлар устун ривожланган? Нима учун?

АДАБИЁТЛАР.

1. «Қазахстан» Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред. Н.Н.Пальгов Москва «Мысль» 1970г.
2. География в школе. Научно-методический журнал. 1990г/ №1.
3. Статистический сборник, 1996г. Государства бывшего Советского Союза,21. Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия.
4. А. Рузиев «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси» Уқув қулланма. Термиз 2000 й.

8- маъруза.

МАВЗУ : КОЗОГИСТОНРЕСПУБЛИКАСИНИНГ КИШЛОК ХУЖАЛИГИ.

Р Е Ж А .

1. Кишлоқ хужалигининг халқ хужалигида тутган урни.
2. Дехкончилик тармоклари ва уларнинг ривожланиши.
3. Чорвачилик тармоклари ва уларнинг жойланиши.

Кишлоқ хужалиги Козогистон иктисодиётида доимо муҳим аҳамият касб этган. Хозирги кунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг каттагина қисми кишлоқ хужалигида банд. Кишлоқ хужалиги халқ хужалиги ялпи маҳсулотининг 21% ини беради ва аҳолининг кишлоқ хужалиги маҳсулотларига бўлган талабини тула қондириш билан бирга, енгил ва озик-овқат саноатини ҳам ашё билан таъминлайди.

Республика кишлоқ хужалигининг қадимий тармоғи чорвачилиқдир. Қўп асрлар мобайнида Ўзбекистон қозоқ халқининг ягона машғулоти бўлиб келган. Лекин 21 асрнинг 80-йилларидан бошлаб, Козогистонга рус ва украин дехконларининг қучириб келтирилиши натижасида дехкончилик тез ривожлана бошлади. Айниқса, 50-йилларда республикада қуриқ ва буз ерларнинг узлаштирилиши натижасида дехкончиликнинг салмоғи янада ортиди. 1950 йилга қадар чорвадор мамлакат бўлган Козогистон йирик дехкончилик районига айланди. Лекин чорвачилиқ республика кишлоқ хужалиги ялпи маҳсулотининг 52 %ини беради.

Козогистоннинг 272 млн.Га умумий ер майдонининг 222 млн.гектари кишлоқ хужалигида фойдаланиш учун яроқли. Лекин республика ҳудудининг материк ичкарасида, қуруқ ва континентал иқлим минтақасида жойлашганлиги учун кишлоқ хужалигига яроқли ерларнинг 80%и яйлов ва утлоқларга тугри келади. Уларнинг умумий майдони 179 млн. Га. Козогистонда ҳайдаладиган ерлар анчагина кам – 33,5 млн.Га бўлиб, кишлоқ хужалигига яроқли ерларнинг 15%ини ташкил этади. Козогистонда 7,5 млн. Га (3,3%.) табиий пичанзорлар ва 2,4 млн. Га буз ерлар бор.

Козогистонда утлоқ ва яйловлар деярли ҳамма жойларда учрайди. Лекин уларнинг катта қисми мамлакат жанубидаги чул ва чалачулларда, жануби-гарбий ва марказий қисмларида жойлашган. Ҳайдаладиган ерлар шимолдаги катта майдонларни, урмон-дашт ва дашт зонасидаги унумдор қора ва қаштан тупроқли ерларни ишғол қилиб, республика жами ҳайдаладиган ерларининг 80% ини ташкил этади.

Козогистонда МДХ буйича энг арзон гушт ва юнғ олинади. Шунингдек, арзон бугдой, қанд лавлағи, пахта ва бошқа дехкончилик маҳсулотлари етиштирилади. Лекин шундай йиллар ҳам бўладики, баъзи жойларда ҳосил ҳам яхши бўлмайди, чорва ҳам маҳсулдор бўлмайди. Бунинг ҳаммаси атмосфера ёгинларининг етишмаслиги, йил давомида ёгинларнинг текис тақсимланмаганлиги билан боғлиқ. Республика шимолидаги йиллик ёгин 300-

350 мм ни ташкил киладиган ерларда сугормасдан дехкончилик килиш мумкин. Бу ерларда ёгинлар асосан ёзда, экинларнинг вегетация даврида тушади. Жанубдаги чул районларида ёгинлар кам ва бахор-куз ойларида ёғади. Шунинг учун бу ерларда сугормасдан дехкончилик килиш мумкин эмас.

Дехкончилик Козогистон кишлок хужалиги ялпи махсулотининг 48%ини беради.Характерлиси шундаки, дехкончилик махсулотлари етиштиришнинг купайиши асосан экин майдонларининг кенгайиши хисобига булди.

Козогистон Марказий Осиёнинг бугдой экспорт килувчи ягона давлатидир. Республиканинг 30 млн.Га умумий экин майдонининг 23 млн.Га сига донли экинлар экилади.Донли экинлар дехкончилик махсулотининг 60%ини ташкил килади. Донли экинларнинг хосилдорлиги метеорологик шароит билан боглик холда, 4ц/га дан 11ц/га гача. Бирок, Козогистон йил давомида экин майдонларининг катталиги туфайли жуда катта дон хосили йиштиради. Козогистонда муътадил минтакадаги донли экинларнинг деярли хамма турлари етиштирилади.Донли экинлар майдонининг s кисмига бахорикор бугдой экилади, асосан Шимолий Козогистонда. Кузги бугдой эса Жанубий Козогистонда экилади.Арпа ва тарик республиканинг хамма районларида таркалган. Олтойда гречиха, жавдар,маккажухори экилади. Инкилобга кадар, шоли факат Чилик ва Чарин дарё водийларида яшовчи уйгурлар томонидан етиштирилган. Хозирги кунда эса Сирдарё ва Коратол дарёлари буйида хам етиштирилмокда. Республикада йилига 10-16 млн.т. дон етиштирилади.

Жанубий Козогистондаги сугориладиган ерларда купрок техника экинлари, биринчи навбатда иссиксевар канд лавлагги, пахта, тамаки, кунжут, кукнор кабилар етиштириш йулга куйилган. Техника экинлари экин майдонининг 1% дан купрогини эгаллайди, лекин дехкончилик махсулотининг 6%ини беради. 30-йилларда Козогистонда канд лавлаггиси асосий техника экинига айланди. Хозир унинг майдони 70 минг Га ни ташкил килади.Канд лавлаггиси асосан Асси ва Талас, Чу ва Коратол дарё водийларида, Киргиз ва Илиорти Алатау этакларида экилмокда.Канд лавлаггиси хосили гектаридан 350-700 ц гача етади. Кейинги йилларда канд лавлагги етиштиришнинг камайиб бораётганлигини куриш мумкин.Масалан, 1990 йили 1,1 млн.т. канд лавлагги етиштирилган булса, 1995 йили бу курсаткич 0,4 млн.т.га тушиб колди. Чу водийсида каноп ва кунжут, Кетмен ва Торбогатой этакларида кукнор етиштирилади. Козогистон техника экинлари орасида кунгабокарнинг улуши катта. Кунгабокар техника экинлари майдонининг 28%ини эгаллайди.Республиканинг хамма областларида, биринчи галда Иртиш водийсида кунгабокар етиштирилади. Бу ерда экин майдонларининг 95%и кунгабокар билан банд.

Богдорчилик ва узумчилик асоан жанубий районларда ривожланган. Тоголди ва дарё водийларида богдорчилик яхши ривожланган булиб, олма, нок, гилос, крижовник кабилар етиштирилади. Айникса, Алматининг «апорт» навли олмалари машхур. Илгари узумчилик факатгина Чимкент, Арис ва Жамбул районларида жойлашган булса, хозир Сирдарёнинг куйи кисмлари, Жунгория Алаови ва Илиорти Алатау этакларида хам узумчилик ривожланган.

Республика шимоли ва шимоли-шаркида асосан резавор усимликлар, гилос, олхури, олма, нок; гарбида резаворлардан смородина, крижовник кабилар етиштирилади.

Полиз ва сабзовотчилик ҳам яхши ривожланган булиб, улар 275 минг Га ерларга экилади ва дехкончилик махсулотларининг 12% ини беради.

Дехкончиликнинг жуда тез суръатлар билан ривожланишига карамай, Козогистон кишлок хужалигида чорвачиликнинг ахамияти катта. Козогистон бокиладиган куйларнинг куплиги буйича Россиядан сунг МДХда 2-уринда, корамол ва йилкилар сони буйича Россия ва Украинадан сунг 3-уринда туради.

Республикада 187млн.Га яйлов ва пичанзорлар булиб, кишлок хужалигига ярокли ерларнинг 84%ини ташкил этади. Яйловларнинг катта кисмидан бахор ва куз ойларида фойдаланиш мумкин. Бундай яйловлар асосан республика жанубида, жануби-гарбида ва гарбида , жануби-шаркида жойлашган. Бетпакдала ва Марказий Козогистондаги яйловлардан ёзда фойдаланиш мумкин. Тогликлардаги ҳамда Шимолий, Марказий ва Гарбий Козогистон даштларидан ҳам ёзги яйлов сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ерлар кишда кор билан копланган булади, бахор ва кузда ёгингарчилик туфайли ута лой булади. Тог тизмаларининг ҳамда баландликларнинг жанубий ёнбагирларидан кишки яйлов сифатида фойдаланиш мумкин. Уларнинг умумий майдони 30 млн.Га. Бундан ташкари Козогистонда 42 млн.Га майдондаги яйловлардан йилбуйи фойдаланиш мумкин.

Козогистонда чорвачилик ялпи махсулотининг 43%и корамолчиликдан, 38%и куйчиликдан келишига карамай, республика учун энг характерли тармок бу куйчиликдир. Куйчилик билан Козогистоннинг хамма областларида шугулланилади. Лекин Жанубий, Гарбий ва Шаркий Козогистонда куйчилик яхши ривожланган. Барча куйлар сонининг 50%и факатгина Жанубий Козогистоннинг узига тугри келади. Чорва моллари сонига кура, куй-эчкилар сони корамоллар сонидан 5 марта куп. Республикада бокиладиган жами чорванинг 77%и куйлар-эчкиларга тугри келади. Бу курсаткич биринчи навбатда уларнинг яйлов шароитига яхши мослашганлиги билан белгиланади.

Козогистонда 1940-1990 йилларда куй-эчкиларнинг сони 8,2 млн. бошдан 35,7 млн. бошга етди. Корамоллар сони эса 3,4 млн. бошдан 9,7 млн. бошга, чучкалар сони 0,5 млн. бошдан 3,2 млн. бошга етди. Шу йиллар ичида гушт етиштириш 226 минг т.дан 1,6 млн. т.га ортди.

Козогистон гушт ва юнг ишлаб чикариш микдори буйича МОДнинг бошка барча давлатларини кушиб хисоблаганда ҳам улардан устун. Бу холат Козогистоннинг хорижий мамлакатларга гушт ва гушт консервалари, юнг толаси ва матоларини экспорт килиш имкониятини беради.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Козогистон ер фонди, кишлок хужалигига ярокли ерлар, дон етиштиришнинг дехкончиликдаги салмоги, бугдойкор районлар, техника экинлари географияси, богдорчилик ва узумчилик, сабзовотчилик ва полизчилик, яйлов чорвачилиги, корамолчилик, йилкичилик, туячилик, паррандачилик.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Кишлоқ хужалиғи республика халқ хужалиғи ялпи махсулотининг неча фоизини беради?
2. Козогистон кишлоқ хужалиғи учун энг характерли тармок кайси?
3. Чорвачилик Козогистон кишлоқ хужалиғи ялпи махсулотининг неча фоизини беради?
4. Чорвачиликда етакчи урин кайси тармокка тугри келади, нима учун?
5. Козогистон яйловлари учун кайси хусусиятлар характерли?
6. Республикада деҳкончилиқнинг кайси тармоклари яхши ривожланган?
7. Кишлоқ хужалиғида дончилик кандай ахамиятга эга?
8. Жанубий Козогистон деҳкончилиғи билан Шимолий Козогистон деҳкончилиғида кандай фарқлар бор?

АДАБИЁТЛАР.

1. «Казахстан.» Географическое описание в 22-томах. Отв.ред. Н. Н. Пальгов Москва «Мысль» 1970г.
2. Узбекистон энциклопедияси. Тошкент 1980й. 13-том.
3. Статистический сборник,1996год. Государства бывшего Советского Союза,21, Всемирный банк, Вашингтон.
4. А. Рузиев «Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ва ижтимоий географияси» Укув кулланма. Термиз 2000й.

МАВЗУ: КОЗОГИСТОН ТРАНСПОРТ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ТАШКИ ИКТИСОДИЙ АЛОКАЛАРИ.

Р Е Ж А.

1. Асосий транспорт турлари ва тугунлари.
2. Ташки иктисодий алокалари.

Козогистон-куруклик мамлакати. Ана шу ҳолатнинг узи мамлакатда айрим тур транспортнинг ахамиятини оширади. Бу уринда темир йул, автомобиль ва кувур транспортларини тилга олиш уринли. Козогистон худудининг орографик хусусиятлари, конфигурацияси, ички районларининг турли махсулот етиштириш ҳамда ишлаб чиқарига ихтисослашганлиги айниқса юқорида зикр қилинган транспорт турларининг ривожланишини такозо этди.

Жуда катта худудга эга булган Козогистонда темир йул транспортининг ахамияти бирламчидир. Унинг умумий узунлиги 14560 км. Темир йул мамлакатнинг барча географик томонлари ва иктисодий районларини бирлаштиради. Мамлакатда ҳар 1000 км.кв. майдонга 5,2 км темир йул изи тугри келади. Унинг энг муҳим линиялари : Оренбург – Тошкент, Семипалатинск – Алмати – Луговая – Чимкент – Арис, Петропавловск – Остона – Караганда – Моинту – Чу, Картали – Павлодар, Кустанай – Кокчетав – Корасув, Макат – Бейнов – Шевченко. Мазкур темир йул магистралларининг қупчилиги транзит ахамиятга эга. Масалан, Оренбург – Тошкент темир йули 1905-1907 йилларда қурилган булиб, республикани шимоли-ғарбидан жануби-шарқига томон кесиб утади. Бу йул орқали Козогистон Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари билан, шунингдек, Россиянинг бир қатор ривожланган иктисодий районлари билан алоқа қилади. Жумладан, унда Марказий Осиё давлатларининг барчасидан Россияга пахта толаси, қорақул териси, рангли металллар, мева ва бошқа саноат махсулотлари; Россиядан эса машина ва механизмлар, минерал угитлар, қундалиқ эҳтиёж моллари ташилади.

Петропавловск – Остона – Караганда – Моинту – Чув темир йули биринчи галда маҳаллий ахамиятга эга булиб, Шимолий, Марказий ва Жанубий Козогистонни бирлаштириб туради. Караганда қумирининг узлаштирилишида, Жезказган ва Балхаш металлургиясида, Шимолий Козогистонда дончиликнинг ривожланишида бу йулнинг ахамияти катта.

Козогистоннинг шимолида ғарбдан-шарққа томон «Жанубий Сибирь» магистрالي : Картали – Остона – Павлодар темир йули утган. Бу йул айниқса Экибастуз – Павлодар саноат тугунининг ривожланишига катта таъсир қурсатди. Бу йулда Караганда ва Экибастуз қумири, Соколов-Сарбай тоғ-қон бойитиш қомбинати рудалари, Орқалиқ боксити, Еттиқора асбести ва бошқалар ташилади.

Козогистон қуриқ ва буз ерларининг узлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда «Урта Сибирь» : Кустанай – Кокчетав – Карасук магистрالي утган.

Темир йул ва сув йулларидан узоқда жойлашган районлар учун автомобиль транспорти муҳим аҳамиятга эга. Хозир фойдаланилаётган автомобиль йулларининг узунлиги 115 минг км. Энг муҳим магистраллари : Алмати – Тошкент, Алмати – Бишкек, Алмати – Семипалатинск, Алмати – Чилик – Норинкул, Уральск – Гурьев ва бошқалар. Автомобиль транпорти оркали дон ва бошқа кишлок хужалиги маҳсулотлари, руда ва саноат маҳсулотлари ташилади. Шу жихатдан автомобиль транспорти ички районлараро алоқада ҳам муҳим.

Козогистонда сув транспортининг аҳамияти Ўзбекистон даражада юқори эмас: барча юкларнинг 1%и дарё ва кулларда ташилади. Барча сув йулларининг умумий узунлиги 5,6 минг км. Зайсан кулида 1750 км масофада кема катнайди. Иртиш дарёсига барча сув транспортида ташиладиган юкларнинг 85-90%и тугри келади. Бу дарё йули республиканинг шарқий ва шимоли-шарқий районларини «Турксиб», «Жанубий Сибирь» темир йуллари билан боглайди. Козогистон шимоли-гарбидаги Улар дарёсида 1400 км масофада кема катнайди. 1950 йили Ишим дарёсида дастлабки кемалар катнай бошлаган. Или дарёси ва Балхаш кулида ҳам кема катнови йулга қуйилган. Сув транспортида Каспий кулининг ҳам аҳамияти катта.

Кувур транспорти Козогистонда 2-Жахон урушидан кейинги йилларда вужудга келди. Дастлабки кувур йуллари Гурьев – Орск Эмба хавзасини Жанубий Урал билан боглайди. 60-йилларда Мангишлок – Узен – Жетибай – Шевченко нефть кувури қурилди. Кейинги йилларда Гарбий Козогистонда газ кувурлари қурилиши тезлашди: Урта Осиё – Мраказ, Бухоро – Урал каби газ кувурлари Козогистон оркали утқазилган. Совет ҳокимияти йилларида бу кувурларда Марказий Осиёда казиб олинган табиий газ Марказга олиб кетилган. Бу кувурлардан Козогистоннинг айрим шаҳарларига масалан, Актюбинск, Рудный, Кустанай кабиларга шохчалар утқазилган.

Козогистон дунёнинг купгина мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни урнатган. Мамалкат ташқи иқтисодий алоқаси айниқса унинг уз мустақиллигига эришгандан кейин кенгайиб бормокда. Хозир жаҳондаги 130дан ортиқ мамлакатлар Козогистонни мустақил давлат сифатида тан олди, дипломатик муносабатларни, савдо-сотиқ алоқаларини урнатди, Козогистон утган 70 йил ичида иқтисодий тараққиётда асосан бир томонлама ривожланиш – ҳам ашё етказиш йулидан борди. Унинг минерал ва ёқилғи ҳам ашёлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари мамлакат ташқарисига ташиб кетилди.

Эндиликда мустақил тараққиёт йулидан дадил бораётган Марказий Осиёнинг йирик давлати булган Козогистон хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтirmокда. Шунингдек, мамлакатда қурилаётган купгина саноат корхоналари хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда амалга оширилмокда. Чет эл техникаси, машина-механизми ва малакали мутахассислари Козогистон иқтисодиётини кутаришда фаол катнашмокда. Козогистон четга нефть ва нефть маҳсулотлари, кумир, руда, рангли ва нодир металллар, дон ва дон маҳсулотлари, гушт ва гушт

консервалари, жун, муйна, мевалар ва бошка махсулотларни экспорт килади. Четдан эса машина, асбоб-ускуналар, минерал угитлар ва бошка товарлар келтирилади. Асосан Марказий Осиё, Россия. Украина, АКШ, Хитой. Германия, Франция, Буюк Британия ва бошка давлатлар билан хамкорлик килмокда.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Транспорт турлари, транспорт тугунлари, темир йул транспорти, темир йул магистрالي, автомобиль транспорти, автомобиль магистрالي, сув транспорти, ташки иктисодий алокалари, экспорт махсулотлари, импорт махсулотлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Козогистонда транспорт ни жойлаштириш ва ривожлантиришга кандай омиллар таъсир курсатади?
2. Козогистон учун кайси транспорт тури бирламчи ахамиятга эга?
3. Темир йулларнинг умумий узунлиги канча? Кайси темир йул магистралларини биласиз?
4. Козогистон учун автомобил траспорти кандай ахамиятга эга? Унинг умумий узунлиги канча?
5. Козогистонда сув транспортини ривожлантириш учун кандай имкониятлар мавжуд? Кайси дарё ва кулларда кема катнови йулга куйилган?
6. Козогистонда кувур транспорти качон вужудга келди ва кайси кувур йулларини биласиз?
7. Козогистон мустакилликка эришгач, унинг ташки иктисодий алокаларида кандай узгаришлар руй берди?
8. Жахондаги нечта мамлакат республика мустакиллигини тан олди ва Козогистон кайси мамлакатлар билан иктисодий алокаларни урнатган?

АДАБИЁТЛАР.

1. «Казахстан» Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред.Н. Н. Пальгов Москва 1970 г.
2. География в школе . Научно-методический журнал. 1988/ 1
3. Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21, Всемирный банк. Вашингтон, Округ Колумбия.
4. А.Рузиев «Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси» Укув кулланма. Термиз 2000й.

10-маъруза.
МАВЗУ : КОЗОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИКТИСОДИЙ
РАЙОНЛАРИ.

Р Е Ж А.

1. Козогистон иктисодий районлари ва уларнинг таърифи.
2. Шимолий Козогистон.
3. Марказий Козогистон.
4. Гарбий Козогистон.
5. Жанубий Козогистон.
6. Шаркий Козогистон.

Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан фарк қилиб, Козогистон худуди гарбдан шакка ва шимолдан жанубга томон узок масофаларга чузилган. Шунингдек, ер юзаси мураккаб тузилишга эга: кенг текисликлар, улар орасидаги чуқур ботиклар, 5-7 минг м.гача етадиган баланд чуққилар мавжуд. Булар ҳаммаси тупрок-иклим шароитларининг турлича булишида ва табиий ландшафтларда кенглик ва баландлик буйича зоналликнинг аниқ намоён булишида уз аксини топган. Республика худудининг s қисмини чала чул ва чул зонаси эгалласада, дашт ва урмон-дашт зоналари ҳам унчалик кам эмас.

Табиий ресурслардан кенг фойдаланиш, саноат ва кишлок хужалигининг ривожланиши кабилар республика алохида худудларининг алохида хужалик тармоқларига ихтисосланишига олиб келди. Шунга кура, Козогистон худудида 5 та иктисодий район ажратилади.

ШИМОЛИЙ КОЗОГИСТОН.

Бу район 5 та областни уз ичига олади: Шимолий Козогистон, Тургай, Кокчетав, Кустанай, Остона ва Павлодар. Майдони – 600,9 минг км.кв. Республика худудининг 22%ини ташкил килади. Районда баланд тоғлар йук. Ер усти тузилиши асосан текисликлардан иборат. Шимоли ва шарки Гарбий Сибирь текислигининг жанубий қисмларига тугри келади. Жанубда бу текислик Козогистон бурмали тоғларига туташади. Район гарбида Тургай платоси жойлашган.

Иклими кескин континентал булиб, ёзги суткалик харорат тебраниши кузатилади. Киш 4-5 ойгача давлм этади. Кишда совук Сибирь хавоси хукмрон, -48, -52 градусгача совук булиши мумкин. Ёз иссик. Бошқа районларга караганда Шимолий Козогистонда вегетация даври киска, лекин хаво етарлича иссик булганлиги учун бугдой, тарик, арпа, кунгабокар, дон-дуккакдилар, сабзовот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Уртача йиллик ёгин 300-350 мм дан, жануб ва жануби-гарбий районларда 200 мм гача. Ёгиннинг асосий қисми илик ойларда тушади. Шунинг учун бу ерларда сугормасдан дехкончилик килиш мумкин.

Районда республика умумахолисининг 30%дан ортикроги яшайди. Аҳоли сони буйича район Жанубий Козогистондан сунг 2-уринда туради. Аҳолининг

зичлиги хар 1 км.кв. майдонга 15-20 кишидан тугри келади. Ахоли бирмунча текис жойлашган ва куп миллатли.Ахоли миллий таркибида рус ва украинлар купчиликни ташкил этади.

Шимолий Козогистон хужалигида етакчи урин кишлок хужалигига тугри келади. Экин майдонларининг 90%ига дон экилади. Республикада бугдой экиладиган майдонларнинг s кисми Шимолий Козогистондадир. Шунингдек, тарик, сули, арпа куп экилади. Картошка, сабзовот-полиз, ем-хашак экинлари хам катта майдонларни эгаллайди.

Шимолий Козогистон чорвачилигида сут-гушт йуналиши етакчи. Майин юнгли куйчилик ва чучкачилик хам мухим ахамиятга эга. Республикада бокиладиган корамолларнинг 47%и, чучкаларнинг 60%и, куй-эчкиларнинг 14%и шу районга тугри келади. Шимолий район хайвон ёгининг 2/3 кисмини, гуштнинг 1/3 кисмини беради.

Районда кейинги йилларда тог-кон саноати тез ривожланмокда. Республикада казиб олинадиган темир рудасининг 4/5 кисми, кумирнинг 2/5 кисми шу районга тугри келади.

МАРКАЗИЙ КОЗОГИСТОН.

Бунга Караганда ва Жезказган областлари киради. Район худуди гарбдан шаркка томон 1060 км га, шимолдан жанубга томон 600 км масофага чузилган. Майдони 400 минг кв.км. Республика майдонининг 15%ини ташкил килади. Рельефига кура, абсолют баландлиги 400-500м ли текисликлар, асосан бурмаликларга тугри келади. Жанубда бурмаликлар Бетпакдала тулкинсимон чулига, шаркда Каркарали (1600м.) тоғларига, гарбда Улитов (1130 м.) тоғларига туташади.

Район учун кескин континентал ва курук иклим характерли. Киши Жанубий Козогистонга караганда анча совук. Ёзги харорат +40 градус. Кишки харорат – 45-50 градус. Район Козогистон даги намлик оз булган худудлардан биридир. Ёгин микдори 100-350 мм. Асосан шимолда купрок ёгади. Дарё турлари кам. Нура ва Сарисув ва бошка дарёлар окиб утади. Ёзда купчилик дарёлар куриб колади. Бу ерда 2000 га якин куллар булиб, тоғларда чучук, текисликларда шурланиши юкори. Районнинг жануби-шаркий чегараларини Балхаш кули ювиб туради.

Районнинг катта худудларида ахоли унча зич эмас. Ахоли манзиллари дарё водийларида, автомобиль йуллари устида жойлашган. Марказий иктисодий район шахар ахолисининг куплиги буйича олдинги уринларда туради. Бу ерда умумахолининг 81 %и шахарларда яшайди.

Марказий Козогистонда турли хил казилма бойликларнинг катта захиралари топилган. Мис, вольфрам, кургошин, рух, темир, марганец, нодир металлар ва кумир шулар жумласидандир. Марказий Козогистон республиканинг асосий саноат райониدير. Етакчи тармоклари – кумир казиб олиш ва металлургия. Республикада казиб олинадиган кумирнинг 2/3 кисмини беради. Республикада ишлаб чикариладиган чуян, пулат ва прокатнинг деярли хамаси шу районда тупланган. Шунингдек, рангли металлар казиб олиш ва эритишнинг хам

каттагина кismi шу ерда жойлашган. Машинасозлик корхоналарида шахта ва кон асбоб – ускуналари ишлаб чиқарилади. 90% га яқин кишлоқ хужалиғи учун яроқли ерлар яйлов ва пичанзорлардан иборат. Куйлар, туялар ва қорамоллар ҳайдаб боқилади. Темир йулларининг узунлиғи 1,5 минг км. Бу ердан Турксиб, Транскозогистон темир йуллари утган.

ГАРБИЙ КОЗОГИСТОН.

Бу район республика гарбидағи Уральск, Гурьев, Ақтүбинск ва Манғишқоқ областларини уз ичига олади. Майдони 730 минг кв.км. Республика майдонининг 27 %ини эгаллайди. Ер усти тузилиши асосан текисликлардан иборат.

Ёзғи ҳарорат баъзан +42+45 градусга боради. Кишда –40-48 градус. Каспий денғизи район иқлимини деярли юмшатмайди. Ёзда денғиз буйлари ҳам чул синғари иссиқ, кишда эса совуқ бўлади. Йиллик ёғинғарчилик уртача 250-300 мм. Гарбий қисмларида 50-70 мм дан 120-130 мм гача. Ёнғ йирик дарёси Урал.

Район ҳудудида аҳоли кам. Умумаҳолининг 12%и шу районда тупланган. Аҳолининг зичлиғи ҳар 1 км.кв.га 2,1 кишидан тугри келади. Аҳоли асосан район шимолида ва Урал дарё водийсида зич жойлашган. Гарбий Козогистонда аҳолининг 47 %и шаҳарларда яшайди.

Гарбий Козогистон республиканинғ ягона нефть казиб олинадиган, нефтни қайта ишлаш саноати ривожланган райониدير. Балиқ саноати ҳам шу районда яхши ривожланган. Гарбий Козогистонда хромит, никкель рудалари казиб олиш, темир қотишмалари ишлаб чиқариш, угитлар, нефть саноати жихозлари шилаб чиқариш ҳам ривожланган тармоқлардир.

Кишлоқ хужалиғида қорвачилиқ етакчи тармоқ бўлиб, яроқли ерларнинг 90%и яйлов ва пичанзорлардан иборат. Қорвачилиқда қуйчилик муҳим тармоқдир. Республикада боқиладиган қуйларнинг 20 %и Гарбий Козогистонда жойлашган. Туячилик яхши ривожланган бўлиб, республикада боқиладиган туяларнинг 60 %и шу районга тугри келади.

Республика экин майдонларининг 11 %и Гарбий Козогистондадир. Экин майдонларининг 80 %ига дон, асосан бугдой, арпа ва тарик эқилади.

Гарбий Козогистонда ҳам юқ ташишда темир йул транспорти етакчи. Бошқа районлардан фарқ қилиб, бу районда қувур транспорти ҳам яхши ривожланган.

ЖАНУБИЙ КОЗОГИСТОН.

Бу район маъмурий жихатдан Кизил Урда, Чимкент, Жамбул, Алматы, Толди Қургон областларини эгаллайди. Аҳолиси сон жихатдан республикада 1-уринда туради. Республика аҳолисининг 1/3 қismi шу районга тугри келади. Аҳолининг уртача зичлиғи 1 км. кв майдонга 8-10 киши. Айниқса, Читмкен, Алматы, Жамбул қаби йирик шаҳарларида аҳоли зич жойлашган.

Район табиати хилма-хил. Жануби шарқда ва шарқда Тяньшань ва Жунғория Алалтов тизмалари жойлашган. Районда кишлоқ хужалиғини ривожлантириш

сугориш билан чамбарчас боглик. Район полиметалл рудалари, фосфорит, кумир, минерал тузлар, курилиш материалларига бой. Тог-кон саноати яхши ривожланган. Химия, машинасозлик, курилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам саноатнинг етакчи тармокларидир. Республика енгил ва озик-овкат саноати маҳсулотларининг 1/3 қисми шу районга тугри келади.

Унумдор тупроқлар, етарлича иссик ҳарорат, кенг яйловлар бу ерда кишлоқ хужалигини ривожлантириш учун имкон беради. Кишлоқ хужалигида сугориб деҳқончилик қилиш ва яйлов чорвачилиги яхши ривожланган. Жанубий Қозогистон республикасининг асосий пахта, тамаки, шоли, қанд лавлаги етиштириладиган, богдорчилик ва узумчилик ривожланган райониدير.

ШАРКИЙ КОЗОГИСТОН.

Бу районга Семипалатинск, Шаркий Қозогистон областлари қиради. Район шимолдан жанубга 600 км, ғарбдан шарққа 800 км масофага чузилган. Қозогистон умумий майдонининг 1/10 қисмини ташкил этади. Майдонининг катталиги жихатдан охириги уринда турсада, Қозогистон аҳолисининг 12%и шу районда тупланган. Районда аҳоли бир мунча зич жойлашган. Хар 1 км.кв майдонга 6-7 кишидан тугри келади. Умуаҳолининг 51 %и шаҳарларда яшайди. Қозогистонда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг 19%и шу район улушига тугри келади.

Район ҳудудини жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон Иртиш дарёси қесиб утади. Дарё орқали район Шимолий Қозогистон ва Ғарбий Сибирь билан алоқа қилиши мумкин. Дарёнинг унғ қиргоғи Жанубий Олтой тоғлари билан банд. Уларнинг баландлиги 3000 металлургия га этади. Районнинг энг чекка жануби-шарқида Саур ва Торбоғатой тизмалари бор. Бу тизмалар ва Жанубий Олтой уртасида Зайсан қули жойлашган. Ғарбий қисмлари эса Қозогистон бурмали тоғларига туташади. Тоғлоди районларида 600 мм, баланд тоғларда 1000 мм ёгин тушади. Иртишдан ташқари, Бухтарма, Қурчум, Ульба, Убь ва бошқа гидроэнергияга бой дарёлар бор. Республика гидроэнергетика ресурсларининг 50%и шу районда тупланган. Бошқа ҳудудларга нисбатан Шаркий Қозогистон урмонларга бой. Республика урмонларининг 40%и шу ерда жойлашган. Асосий қазилма бойлиги полиметалл рудаси.

Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 8 қисми саноатга тугри келади. Етакчи тармоқлари рангли металлургия ва энергетика. Бу билан боглик равишда приборсозлик, тоғ-кон ва металлургия жихозлари ишлаб чиқариш қабилар ривожланмоқда.

Кишлоқ хужалигининг етакчи тармоғи гушт-юнғ чорвачилиги. Республикада боқиладиган қуйларнинг 15 %и шу районга тугри келади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Иқтисодий район тушунчаси, Шимолий Қозогистон иқтисодий райони, Марқазий Қозогистон иқтисодий райони, Жанубий Қозогистон иқтисодий райони, Ғарбий Қозогистон иқтисодий райони. Шаркий Қозогистон иқтисодий райони.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Шимолий Козогистон иктисодий районида қайси областлар қиради ва майдони қанча?
2. Шимолий Козогистон иктисодий районида хўжаликнинг етакчи тармоқлари қайсилар?
3. Марказий Козогистон иктисодий районида қайси областлар қиради ва хўжалигининг етакчи тармоқларини айтинг.
4. Жанубий Козогистон қишлоқ хўжалигида қайси тармоқлар устун ривожланган ва нима учун?
5. ГАРБИЙ Козогистонга қайси областлар қиради ва майдони қанча? Қайси саноат тармоқлари яхши ривожланган?
6. Шарқий Козогистонга қайси областлар қиради ва саноатида етакчи тармоқлар қайсилар? Нима учун Шарқий Козогистонда рағли металлургия яхши ривожланган?
7. Шимолий Козогистон ва Жанубий Козогистон иктисодий районларини солиштириг.

АДАБИЁТЛАР.

1. «Қазақстан» Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред.Н.Н.Пальгов Москва 1970г
2. Ўзбекистон энциклопедияси. Тошкент 1980й. 13-том.
3. А.Рузиев «Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси» Ўқув қўлланма Термиз 2000 й.

11-маъруза.

МАНВУ: ТУРКМАНИСТОН ДАВЛАТИНИНГ ГЕОГРАФИК УРНИ, ТАБИЙИ ВА ТАБИЙИ РЕСУРСЛАРИГА ИКТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК БАХО БЕРИШ.

Р Е Ж А.

1. Умумий таъриф.
2. Географик урни ва чегаралари.
3. Табиий шароити:
 - А) Рельефи.
 - В) Фойдали казилмалари.
 - С) Иклими ва сувлари.
 - Д) Тупрок, усимлик ва хайвонот дунёси.

Туркменистон Марказий Осиёнинг Каспий денигизига туташиб турган жануби-гарбида жойлашган булиб, МДХдаги энг чекка жанубий мамлакат хисобланади. Унинг энг чекка шимолий нуктаси 42 гр.23 мин. Шимолий кенгликда жойлашган булиб, Кора денгиз буйи мамлакатлари билан бир хил кенгликларда ётади.Энг чекка жанубий нуктаси эса 35 гр.08 мин.шимолий кенгликларда жойлашган булиб, Марказий Хитой ва Шимолий Африка мамлакатлари билан бир хил кенгликларда ётади. Туркменистон муътадил ва субтропик иклим минтакаларида жойлашган. Бу унинг хужалик тармоқларини ихтиссосланишида ҳам намоён булади.

Туркменистон шимоли-гарбда Козогистон, шимолда ва шаркда Ўзбекистон билан, жанубда эса Эрон ва Афғонистон билан чегарадош.

Туркменистон гарбий киргоқларини Каспий денгизи ва унинг куруклик ичкарасига чуқур кириб борган култиқларининг сувлари ювиб туради. Географик урнининг узига хос хусусияти шундаки, Туркменистон дунё океанидан узокда, материк ичкарасидаги кескин континентал иклим минтакасида жойлашган. Худуди Шимолий Муз океанидан, Тинч ва Атлантика океанларидан бир неча км узокда, Хинд океанидан 1,5 минг км узокда жойлашган.

Майдони 488 минг км.кв булиб, катталиги жихатдан МДХ да Россия, Козогистон ва Украинадан сунг 4-уринда туради. Худуди гарбдан шаркка 1200 км га чузилган. Пойтахти Ашгабад. Аҳолиси 4,6 млн. киши (1997й.)

Туркменистон табиий шароитига кура Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан фарк килиб, ландшафтида чуллар катта майдонни эгаллайди. Худудининг 90%и кумлиқлардан иборат. Колган қисми вохаларга, тоғ тизмаларига ва баландлиқларга тугри келади. Мамалкатнинг жанубий қисмида денгиз сатхидан 3000м юкорида жойлашган тоғлиқлар ҳам бор. Шимоли-гарбида эса денгиз сатхидан 100 м. пастда жойлашган кенг чуқмалар мавжуд. Туркменистон рельефида текислиқлар куп. Корақум чуллари гарбда Каспий буйидан шаркда Амударёгача чузилган. Бу ерда усимлик билан мустахкамланган кум грядалари, улар орасида текис юзали усимликсиз, гилли ерлар – тақирлар, шурхоқлар, ҳаракатланувчи кум барханлари учрайди. Каспийбуйи зонаси ҳам купкурук сувсиз чул булиб, бу ерларда кенг майдонларни тақирлар, шурхоқ ва кумлиқлар эгаллайди. Корақум чулларининг

умумий майдони 350 минг км.кв.Чулни шимоли-шаркдан жануби-гарбга томон Амударёнинг эски узани – Узбой кесиб утади. Коракум чули Унгузорти Коракуми, Марказий Коракум ва Жануби-Гарбий Коракумга булинади. Коракумнинг шимолий ва гарбий қисмларида баланд платолар – кирлар жойлашган. Масалан. Коплонкир, Куландаг ва хоказо.

Ер усти тузилишига кура, Туркменистон 3 қисмга булинади: текисликлар, баландликлар ва тоғ ва тоғ ёнбагирлари.

Текисликлар асосан Турон пастекислигига тугри келади, мамлакат умумий худудининг 80%ини ташкил қилади. Балндликлар эса энг чекка жанубида жойлашган. Бадхиз баландлигининг энг баланд нуктаси денгиз сатхидан 1267м баландликда, бу ерда Бадхиз курикхонаси бор. Корабил баландлигининг энг баланд нуктасиэса денгиз сатхидан 984 металлургия юкорида жойлашган. Текисликлар жанубдан шимолга томон ва шаркдан гарбга томон пасайиб боради. Умуман мамлакат худуди жануби-шаркдан шимоли-гарбга томон пасайиб боради. Туркменистон худудидаги энг баланд нукта мамлакат шаркидаги Кухитанг тизмасида жойлашган Айрибобо тоғи булиб, денгиз сатхидан 3137 м. юкорида. Республиканинг жануби-гарбий чегараси буйлаб Копетдог тизмаси чузилган.

Туркменистон хужалигининг шаклланишида ер ости казилма бойликлари мухироль уйнайди. Казилма бойликлар ичида асосий урин нефть ва табиий газга тугри келади. Нефть Гарбий Туркменистондаги Кумдаг, Котиртепа, Борса Гелмас, Окарем, Челекен каби конлардан казиб олинади. Бу конларда шунингдек йулдош газлар ҳам олинади. Табиий газнинг асосий райони Амударёнинг урта окимларида ва Мурғоб дарё водийсида жойлашган. Чоржуй областидаги Гугуртли, Ачак, Наип конларидан Мари областидаги Шатлик,Майское конларидан табиий газ казиб олинади. Нефть казиб олиш буйича Туркменистон МДХ даги энг ривожланган бешликка кириб, Россия, Украина, Козогистон ваОзарбайжондан кейин 5-уринда туради. Туркменистон нефти ва табиий гази Узбекистон ва Козогистон оркали МДХнинг бошка давлатларига экспорт қилинади. Хозирги кунда газ суюлтирилиб, Украинага жунатилмокда. Шунингдек, кувурлар оркали Покистонга экспорт қилиш шартномаси тузилган. Кейинги йилларда Марказий Коракумда йирик газ конлари борлиги аникланган. Лекин чучук сув етишмаслиги сабабли бу конлардан фойдалниш муаммо булиб колмокда.

Кухитанг тоғ ёнбагирларидан ва Туаркир районида тошкумир ва кунгир кумир захиралари борлиги аникланган. Лекин улар ёкилги саноатида унчалик мухим ахамиятга эга эмас. Туркменистон олтингугуртга бой. Серный, Гугурттоғ районларидан олтингугурт казиб олинади.

Туркменистон турли хил минерал ресурсларга бой. Каспий буйидаги Куули Маяк, Бобо Хужа, Небитдаг районларидан ош тузи казиб олинади. Бундан ташкари йод,бром,озокерит, глаубер, калий тузларининг ҳам йрик захиралари топилган. Кора Бугоз Гол – минерал бойликларнинг асосий манбаи. Туркменистонда турли хил қурилиш саноатининг хом ашёлари ҳам куп ва хилма-хил. Туркманбоши (Красноводск) шахри якинидан, Кухитанг

этакларида гранит, порфирит, мрамор, Ашгабад якинидан цемент хом ашёлари топишган.

Туркменистон газ ва нефть ва унинг йулдошлари (озокерит, углеводород газ, йод, бром), мирабилит, олингурут, ош тузи, цемент хом ашёси каби казилмалар буйича МДХда олдинги уринларда туради. Масалан, МДХда ишлаб чиқариладиган натрий сульфатнинг 40%и Туркменистон улушига тугри келади. Мамлакат казилма бойликларининг узига хос хусусияти шундаки, уларнинг ичида рудали казилмалар жуда кам.

1990 йил ҳисобига кура, Урта Осиёда казиб олинган нефтнинг 80%и, табиий газнинг 30%и Туркменистонга тугри келган.

Туркменистон географик урни, куёш радиацияси интенсивлигининг юқорилиги, океан ва денгизлардан узоқда жойлашганлиги мамлакат ҳудудида континентал характердаги иқлимнинг шаклланишига сабаб булган. Мамлакатнинг шимоли муътадил, жануби қуруқ субтропик минтакаларда жойлашган. Ёзи иссиқ ва қуруқ. Иқлими учун йиллик ва суткалик ҳароратлар тебраниш амплитудаси уртасида катта фарқ булиши характерлидир. Буни айниса ёз ойларида қуштиш мумкин. Ёзги ҳарорат жуда юқори, ҳавода намлик кам. Июлнинг максимал ҳарорати сояда +40 +50 градусни, қумликларда +60+70 градусни ташкил этади. Кечаси эса +20 +25 гр.га тенг. Уртача йиллик ҳарорат жанубдаги субтропик районларда +16,9 гр. Абсолют минимал ҳарорат Копетдоғ этакларида -29 гр, Қушқада -33 гр. Туркменистон атмосфера ёгинларининг камлиги буйича МДХ давлатлари ичида «1-урини» эгаллайди. Йиллик ёгин миқдори Қорақум чуллари ва Қуйи Амударёда 80 мм. Копетдоғ этакларида 350 мм. Ёгинлар асосан қиш ва баҳор ойларида тушади.

Қучук сув етишмаслиги Туркменистонда ҳужалиқ юритишнинг барча тармоқларида энг муҳим муаммо булиб келмоқда. Мамлакат ҳаётида бошқа ҳеч қандай табиий омил сув каби муҳим роль уйнамайди. Сув етишмаслиги туфайли миллионлаб гектар ҳосилдор ерлар яроқсиз ҳолда қолмоқда. Йирик казилма бойлик қонларини ўзлаштириш қийинлашмоқда. Шунингдек сув манбаларининг чегараланганлиги транспортнинг барча турларини жойлаштириш ва ривожлантиришда ҳам ўз ақсини топган.

Мамлакатнинг асосий сув манбаи Амударё булиб, Ўзбекистон шимоли-шарқдан оқиб ўтади. Жанубдаги баланд тоғлардан оқиб тушувчи Мурғоб ва Тажанг дарёлари эса Қорақумга сингиб кетади. Атрек дарёси мамлакатнинг чекка жануби-ғарбий қисмларидан Эрон билан чегараси бўйлаб оқиб, Каспийга қуйилади. Демак, йирик сув манбалари мамлакатнинг чекка қисмларида жойлашган. Лекин шунга қарамай, Амударё, Мурғоб, Тажанг, Атрек ва бошқа дарёларда йилига 60-65 м.куб сув оқади. Туркменистоннинг марказий катта қисмида ҳеч қандай очик сув манбаи йўқ. Бу муаммони юмшатиш мақсадида 1954 йили Қорақум канали казилган булиб, мамлакат чекка шарқидан Копетдоғ этакларидаги Баҳорден райониғача қелтирилган. Ўзунлиги 1100 км. Бошланиш қисмидаги сув сарфи 300 м/куб. Канал казилиши билан жуда катта яйловлар ва уердаги чорва ҳайвонлари сув билан таъминланди. Қаромат Ниёз, Байрам Али, Мари, Тажанг, Ашгабад каби шаҳарлар ва районлар саноати сув

билан таъминланди. Канал оркали Амударёнинг 20% суви олинади. Канал зонасида Тажанг ва Ховузхон сув омборлари курилган.

Туркменистонда сув муаммосини юмшатиш мақсадида яна ер ости сувларидан ҳам фойдаланилади. Ер ости сувлари асосан катламлар орасидаги гурунт сувлардан иборат булиб, баъзи жойларда тектони ёриклардан булок курилишида окиб чиқади. Уларнинг купчилиги юкори даражада минераллашган. Таркибида йод, бром кабилар бор. Бундай минерал ёулоклар асосан Копетдог этакларида жойлашган.

Каспий буйи кисмларида ҳам хеч кандай очик чучук сув манбаи йук. Бу ерда алохида ускуналар ёрдамида денгиз суви чучуклаштирилиб ишлатилади. Унлаб км. масофаларга сув кувурлари тортилган булиб, саноат тармокларига етказиб берилади.

Туркменистонда сув танкис булганлиги учун харканча кичик сув манбаларидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш катта ахамиятга эга. Шу мақсадда дарё ва каналлар, сойларнинг киргоклари сув ортикча шимилиб кетмаслиги учуг бетонлаштирилган. Туркменистоннинг марказий кисмларидаги бир катор районларга чучук сув самолётларда ташилади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Географик урнининг узига хослиги, табиий шароитидаги фарклар, иклим хусусиятлари, табиий ресурсларининг халк хужалигидаги ахамияти, чучук сув етишмаслиги муаммоси ва уни бартараф килиш чора-тадбирлари, Коракум чуллари, Копетдог тизмаси, Бадхиз ва Корабил баландликлари, Кора Бугоз Гол, табиий шароитнинг халк хужалигини ривожлантиришга таъсири.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Туркменистон Марказий Осиёнинг кайси кисмида жойлашган ва майдони канча?
2. Географик урнининг узига хос хусусиятларини тушунтиринг.
3. Мамлакат худудидан кандай казилма бойлик конлари топилган?
4. Туркменистоннинг кайси кисмидан нефть ва кайси кисмларидан табиий газ казиб олинади?
5. Туркменистон казилма бойликларининг узига хос томони нимадан иборат?
6. Мамлакат табиий шароити халк хужалигини ривожлантиришга кандай таъсир курсатади?
7. Чучук сув етишмаслиги муаммосини юмшатиш мақсадида кандай чора-тадбирлар курилмокда?

АДАБИЁТЛАР.

1. «Туркменистан» Географическое описание в 22-х томах. Отв.ред. В.Н.Куниин Москва «Мысль» 1969г.
2. Узбекистон энциклопедияси. Тошкент 1980 й. 12-том.
3. Статистический сборник, 1996 год. Государства бывшего Советского Союза, 21, Всемирный банк. Вашингтон.
4. А.Рузиев «Марказий Осиё давлатлари иктисодий ва ижтимоий географияси» Укув кулланма. Термиз 2000й.